


Ислом Шоғуломов

КАТТАХЎЖАЕВ АЙТДИЛАР

(ҳикоя, ҳажвия, интермедиялар)



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1981



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Мазкур китобча муаллифининг асли касби матбаачилик, илк меҳнатни «Совет Узбекистони» («Қизил Узбекистон») газетасида чоп этиладиган мақолалар ҳарфини теришдан бошлаган. Халқимизнинг интилганга толе ёр деган ажойиб нақли бор. Муаллиф ТошДУнинг журналистика факультетини битириб чиққанидан кейин ўз иш фаолияти давомида полиграфиямиз тарихи ва истиқболига оид мақолалар, рисоалар ёзди. Шундан кейин унинг «Октябрла яратилган», «Йўлимиз сўқмоқлари», «Зиё маскани», «Ярим асрлик меҳнат зафарларимиз» сингари китоблари бунёдга келди. Сўнг-ра «Вақтли матбуот техникасининг ривожини» деган мавзуда диссертация ёқлаб, тарих фанлари кандидати бўлди.

Ишлаб чиқариш жараёнлари ва экономикасини пухта ўзлаштира борган Ислоом Шоғуломов Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ва «Меҳнат Қизил Байроқ» орденли босмаҳонасига кўп йиллардан бери муваффақият билан раҳбарлик қилиб келмоқда. У мутахассис сифатида полиграфия саноати технологияси жараёнларига доим янгиликлар киритишга, босмаҳонани замонавий машиналар ҳисобига бойитишга катта аҳамият бериб келмоқда. Полиграфиямизни малакали, билимдон кадрлар билан бойитиш устида ҳам тинмай бош қотиради. У ҳажв соҳасида ҳам қалам тебратмоқда. «Муштум» журналида босилиб чиқётган ҳажвий асарлари ўзининг теранлиги ҳамда ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Қуйида Ислоом Шоғуломов яратган ҳажвий асарларнинг баъзиларидан гулдаста тузиб, ихтиёрингизга ҳавола қилаётимиз.

ҲИКОЯ ВА ҲАЖВИЯЛАР

МЕҲМОНДОРЧИЛИҚДА

Орадаги жимликни тўрда ўтирган Турди ака бузди. У Нодиржон билан менга ишора қилиб, «Дўстлар, шу қадаҳни бу икки ажралмас дўстнинг саломатлиги, ютуқлари, яхши кайфияти учун кўтаришингизни илтимос қилардим», деди. Бошқалар ҳам унинг гапини маъқуллаб, қадаҳларини бўшатишди.

Бундай ҳурмат ва яхши истаклардан бир оз ўнғайсизланган Нодиржон қани, ичмайсизми, дегандек менга ишора қилди-ю, меҳмонларга эшиттириб: «Бу Янги йил кечасида дўстим Илҳомжон учун ҳам мен ичаман», деди. Буни ҳамма ҳар хил тушунганини сезган Турди ака; «Бу икки дўст бир-бирларини доим қадрлашади. Илҳомжоннинг тоби йўқроқ, шунинг учун профессор Нодир Мансурович, дўсти учун ҳам кўтариб юборди», дея изоҳ бериб қўйди.

Тўрда ҳеч кимнинг гапига эътибор бермай, тумтароқ ҳазиллар ва тўмтоқ аскиялар айтиб, ўзаро қақчақлашиб ўтирган икки чапани йигит Турди аканинг изоҳини бошқача тушунишдими ёки ёқтиришмадими, ҳар ҳолда улардан новчаси луқма ташлади:

— Меҳмонга келгандан кейин ноз қилишмаса-да!

— Мен ичмайдиган бўлсам меҳмонга келмасдим,— деб қўйди паканаси. Уларнинг кесатиғидан ўнғайсизланган соқий Шоди ака: «Э марҳамат, келинлар, келинлар, ана санъаткор укаларимиз ҳам кечамизга ташриф буюришди», деб қолди. Келган санъаткорларни Шоди ака бирма-бир таништирди: «Бу укамиз, хушовоз ёшларимиздан Баҳодиржон, дўстлари Музаффар, Акбаржонлар!»

Бир пиёла чойдан кейин йигитлар завқ билан кетма-кет иккита ашула айтиб беришди. Ашуланинг қўш авж билан эшитилиши ҳалиги чапаниларга ёқинқирамади шекилли, новчароғи: «Баҳодиржон, ғижжакчи дўстингиз бир оз дам олсинлар, Акбаржон дуторда жўр бўлсин, ўзингиз якка бир хониш қилинг, илтимос акаси,— дея тиржайиб қўйди,— ғижжакнинг чийил... тирмайман...»

Ёшига ярашмаган, қип-қизил кўйлак ва ялтироқ постономда сак-вайрон бўлиб ўтирган бу чапанининг боғхшов таклифи ўтирганларни ёжинтириб, Баҳодиржонни, айниқса, унинг урғони Музаффарни ўнғайсиз бир аҳволда қолдирган эди.

Созанда торини созлаган бўлиб, тинчиллабди да, ирандаги аламини бостирадиган сўзларни топдим, кўзини ўша чапанидан узмасдан, жаранглаган овозда қўшиқ айта бошлади. Чапани: «Яша, акаси, гапга тушунадиган йигит экансан-да, кўнглимдагини топдинг»,— деб ўтирганларга ғолибона қараб чиқди. Сўнг ёнидаги оғайниси билан алланарсалар ҳақида шивирлашиб, қиринглаб кула бошлади.

Чапаниларнинг бу ҳаракатлари Баҳодиржоннинг ғашини келтираётгани унинг қизил мағизли юзи оқариб, лаблари липиллаётганидан сезилиб турарди. Ўтирганлар бу ноқулайлиқни тезроқ тарқатиб юборилишини сабрсизлик билан кутишар, гоҳ Баҳодирга, гоҳ Музаффарга тасалли бераётгандек бош ирғаб кулиб қуйишарди.

Баҳодир торини бир-икки силкитиб турди-ю, тагин секин ва босиқ овоз билан иккинчи ашулани бошлади:

Ота-онанг хизматин одобингдан сезурлар,
Ўзинг қандайлигинг дўст-аҳбобингдан сезурлар.
Кайфинг борида кўплар пайқайдилар айбингни,
Жиғилдонга қўйилган шаробингдан сезурлар.
Сўзни дилда пишитмай келтирмагин тилиннга,
Ақлинг билан илмингни жавобингдан сезурлар.

Дилда бори тилга чиқади, деганларидек бемаъни таклифдан ранжиган хонанданинг юрак сўзлари билан берилган жавобини ҳамма сезса ҳам, чапани ва унинг суҳбатдоши сезмай тиржайиб ўтираверишди.

— Уфф!— деди ниҳоят биттаси,— қаерга борсанг панд-насиҳат-а!.. Ҳатто ашулада ҳам шу гап! Бундай бир ўйнаб-кулиб ол, дейдиган азамат ҳам йўқ...

— Мен кетдим,— деди бошқаси арақ тўла қадахни кўтариб,— доноларнинг соғлиғи учун!..

Орага чўккан жимликни Шоди ака бузди:

— Биродарлар, Янги йилда ҳаммангизнинг соғлигингиз, фарзандингизнинг порлоқ келажаги, хонадон эгаси Каримжоннинг тўқсон йилнинг юзини кўрган табаррук онажони, аҳил ака-укалари ва ҳамжиҳат оила аъзоларининг соғлиғи учун мана шу қадахни тик туриб олишларингизни илтимос қиламан!



Бу таклиф Шоди аканинг якунловчи сўзи эканлигини сўзган меҳмонлар «гурр» этиб ўринларидан туришди. Эшикдан чиқаётганда ҳаммалари бирма-бир хонанда ва созандаларнинг қўлини сиқиб тасалли бергандек: «Раҳмат, укажонлар, роса маза қилдик»,— деб миннатдорчилик билдириб, чапанилар томонга кинояли қараб қўйишарди. Улар бўлса ҳеч нарса билан ишлари йўқ бир-бирига гап маъқуллашарди:

— Шунча ичкиликни ташлаб қаёққа боришаркин?— деди биттаси,— хотинидан вино ҳам ундиролмайди-ю, бировнинг коньягига ноз қилади-я! Қуй, ўладиган дунёда ичганимиз қолади!— Насиҳатгўйлардан қутулдик дегандек қадаҳларни жаранглатиб уриштириб қўйишди.

КАТТАХЎЖАЕВ АЙТДИЛАР...

Корхона дарвозаси ёнида тўрт-беш киши чақчақлашиб туришарди. Йўлнинг нариги бетида қурилган ярмарка магазинларида эса харидорлар гавжум.

«Уртоқ харидорлар! Магазинларимизга бугун кўплаб янги моллар келтирилган. Ўзингиз учун зарур бўлган пальто, костюм, пойабзал, кўйлак, галстук ва бошқа кийимларни саралаб олишингиз мумкин»,— деган эълон эшиттирилди. Ана шундай эълонлар орасида 21-магазинда аёллар жемпери сотила бошлади, деган хўшхабар ҳам жаранглаб қолди.

Корхона дарвозасидан шошилиб чиққан нозиккина бир йигит ҳалиги суҳбатлашаётганлар даврасига яқинлашди. Суҳбатга жон киритиб, ҳаммани оғзига қаратиб турган бош инженерга: «Али ака, эълон қилинган жемпердан менга ҳам биттагина керак эди, одам кўп, яқинига бориб бўлмайди, навбатга турай десам, станокни тўхтатиб чиққанман, директордан илтимос қилиб беринг, жон ака»,— деб ёлбориб қолди.

Ҳазилкаш улфатлардан бири йигитни бармоғи билан имлаб чақирди.

— Жемпер керакми?

— Керак, ака!

— Хотинингни хурсанд қилмоқчимисан?

— Шунақа ниятим бор, ака.

— Тўппа-тўғри боргинда, мени Каттахўжаев юбордилар, дегин!

— Хўп, раҳмат сизга,— шошилиб, магазин томонга кетди.

Ҳазилни тўғри маънода тушунган йигит навбатда турганларни ёриб ўтиб, жемпер сотувчининг олдида борди.

— Каттахўжаев айтдилар, менга иккита жемпер берар экансиз.

Сотувчи икки жемперни қоғозга ўраб, чиройли боғлаб йигитга узатиб юборди. Йигит эса қайтиб келиб ҳалиги чақчақлашаётганларга миннатдорлик билдирди. Ҳазилкашлардан бири:

— Каттахўжаев амакингни дуо қил, укам!— деб қўйди.

Шу-шу бўлди-ю, жемпер олган йигит, ярмарка дўконларида камёб мол сотиладиган бўлса, «Каттахўжаев амаки» номидан иш битирадиган бўлди. Кунларнинг бирида бош инженер Али Холматовичдан:

— Али ака, ўзи Каттахўжаевлар ким бўладилар,— деб сўради у.

— Вой, у кишини ҳалигача билмайсанми!— ҳайрон бўлди бош инженер.

— Йўқ, билмайман.

— Билмасанг билиб қўй,— таъкидлаб деди бош инженер,— корхонамизнинг қоровули Исмат тоғани, ҳазиллашиб «Каттахўжаев» деймиз.

— Ие, Исмат тоғани-я!

ҲАДИКВОЙ

Болалигимда отим Ҳодивой эди. Акам Шодивой, мен Ҳодивой. Ойим бизни «ҳой Шоди-Ҳодивойлар» деб чақирарди. Ҳа, майли, буёғини қўя турайлик. Гап шундаки, мени номим энди ўзгариб, ҳамма мени Ҳадиквой деб чақирадиган бўлиб қолган. Ростини айтсам, аввалига жаҳлим чиқиб юрди. Ота-онанг не-не умидлар билан сенга бир чиройли исм қўйса-ю бировлар уни ўз билганича ўзгартириб олса, бора-бора янги исмимга ҳам кўникиб кетдим. Яширмай қўяқолай — ўша қуриб кетмагур ҳадиксираш деган қурсурдан каминага кўпроқ тегиб қолган. Бўлар-бўлмасга ҳадиксирай-вераман. Ҳадиксирамаётганим учун тағин бирор хатога йўл қўяётган бўлмай дея яна ҳадиксирайвераман... хуллас, Ҳадиквой деб чақиринишларига бора-бора кўникиб кетдим демоқчиман. Лекин гап бунда ҳам эмас.

Гап шундаки, мен ҳалигача уйланмай юрибман, йўқ, кулманг, рост айтаяпман... тенгқурларимнинг олди набиралик бўлди, мен бўлсам, кетидан бирор ишкали чиқиб қолмасин, деб ҳамон юрагимни ҳовучлаб юрибман. Тўғрида, шоша-пиша уйланиб бошига бало орттириб олганлар озмунчами!

Бунақанги пайтда эҳтиёт бўлиш керак. Хўп ана, уйландим ҳам дейлик. Келин бола тўсатдан модапараст чиқиб қолса нима қиламан. Умрим модалар уйда ўтиб кетадими? Йўқ, бунақаси кетмайди!! Хўп ана, келин модапараст ҳам эмас. Кўча-кўйда санқиб юришни ҳам унча хушламайди, худди ўзим орзу қилгандек қобил-мўмингина чиқиб қолди дейлик. Лекин аёл бари бир аёлда. Унда ҳам ўзига яраша орзу-ҳавас бўлади. Бошқаларга ўхшагиси, гоҳо бошқалардан ўзиб кетгиси келиб қолади.

Масалан, айтайлик, бўйнига марварид таққиси келиб қолар, ахир шундай бўлиши табиий-ку, шундай эмасми? Мен марварид сотиб олиш учун пулни қаёқдан оламан. Чайқовчилик қилайми! Ахир бу икковиям ғирт жиноят-ку! Қамалиб кетсам майлими! Онам, укаларимнинг аҳволи нима кечади?! Ким уларга қараб туради?! Кулманг, мен унақа гарткамига иш тутиб бошқаларни таш-

вишга қўядиган хилидан эмасман! Йўқ, яхсиси уйланмай қўя қо-
ламан...

Лекин, бари бир бўлмади. Онаизоримнинг қатъий талабини
рад қилолмадим, бор, пешонамдан кўрдим дея уйланишга розилик
бериб юбордим. Келин бола ҳам бегоналардан эмас, узоқ қарин-
дошимиз бўлади. Кўришдик, ранги рўйи ҳам гулдөккинн экан!
Тўйни августнинг охирироғига белгиладик. Лекин ЗАГС деган бир
идора ўртага тушди-ю, яна иш чаппасига айланди-кетди...

Лекин, тавба, шу ЗАГСга қаторлаштириб машиналарда бориш
деган гап ўзи қаёқдан чиқди! Турган-битгани ғурбат-ку бу! Авария
бўлиб озмунчаси асфаласофилинга кетдимиз! Борди-ю, келин икко-
вимиз тушган машина трамвайга бориб урилса унда нима қиламиз?

Хўп ана, бизнинг шофёр эҳтиёткорроқдир. Лекин орқадан ке-
лаётган машинанинг шофёри маст бўлса-чи? Шундай бўлиши ҳам
мумкин-ку, ахир. Чап томондан келиб урилиб, биз тушган маши-
нани гармошка қилиб ташлаши мумкин, у номард!

Йўқ, уйланишга розиман, аммо, ЗАГСга машинада борадиган
аҳмоқ йўқ! Қўлтиқлаб шундай бораверамиз. Борганда ҳам йўлнинг
четидан деворга суйкалиброқ юриб борамиз, фалокат оёқ остида
дейишади, ўша фалокатни четлаб ўтишимиз керак.

Тўғрида, ҳамма тўйга тайёргарлик кўриб юрса-ю; мен оёғим
синиб касалхонада ётсам! Йўқ, бунақаси кетмайди, эҳтиёт бўлиш
керак, эҳтиёт!

Эшитишимча менинг бу таклифим келин пошшага ёқмаяпган
эмиш. Мен кўчада қолган тул хотинмидим, деган эмишлар! Лоа-
қал шаҳарни «Чайкада» бир айлантиришга ярамаган йигитни куёв
деса бўладими, деган эмишлар! Оббо, димоғларидан ўргилдим-е!

Мен хонимни юз бериши мумкин бўлган фалокатдан асрай
десам... нози-фироқларидан ўргилдим-е! Хотин зоти қуриб кетиб-
дими... тўй яна тўхтади.. ўша кунлари ҳар ким ҳар нарса деди.
Лекин мен, назаримда юз бериши аниқ бўлган катта бир фалокат-
нинг олдини олиб қолдим...

Ким билади, ўшанда келиннинг гапига кўниб шошма-шошар-
лик билан иш тутганимда ҳозир аҳволимга маймунлар йиғлаб,
касалхонада ётган бўлармидим... шунинг учун мени Ҳодивой де-
йишадими, Ҳадиквой деб аташадими, бари бир, омон бўлсам бас,
сиз нима дейсиз?

ЧАҚҚОННИНГ ЧАНГИ

Усти очиқ ошхонада сомса сотиб ўтирган ширакайф Комилжоннинг олдига ўқитувчиси Рустам ака билан унинг ўртоғи Содиқ акалар келиб қолишди. Комилжон дарров бир ликопчада сомса келтириб қўйиб, ҳол-аҳвол сўрашади.

— Ассалому алайкум, Рустам ака! Қани, марҳамат, гўштқуйдидан еб ўтирсинлар. Соғ-саломат юрибсизми, ҳали ҳам мактабдамисиз, эски папкангизни ҳалиям қўлтиқлаб юрибсизми?

— Оббо Комилжон-эй, сомсапаз бўлиб кетибсан-да!— деди ўқитувчи кўзларини пириллатиб,— ҳали-ҳали эсимда, дарсга кирганимда синфнинг охириги партасида жимгина, доскага чиқармаса бас, деб, юрагингни ҳовучлаб ўтирардинг! Қара-я, дудуқланишинг ҳам қолиб кетибди. Даданглар бирор каттароқ докторга қаратган бўлсалар керак-да?

— Домлажон (кулганнамо жавоб қилди Комилжон) ўша даврдаги соддалигингиз ҳалиям қолмабди-да, қизиқ саволларни берасиз. Мен сизга айтсам, дадамлар ҳам, мен ҳам бирор касалхонага ёки табибга учрашганимиз йўқ, даволанганим ҳам йўқ. Ҳама нарса сиз ўйлагандек жуда мураккаб эмас, аслида жуда энгил кўчган. Ҳой, гўштқуйдига кеб қолинг, ярми думба, ярми гўшт... Ҳа, домлажон, жуда энгил кўчган.

— Қанақасига энгил кўчади?

— Эй, акажон-ей, ҳаммасининг давоси муллажиринг, шуниям тушунмайсизми? Ўша пайтда ҳам менинг гапимга ҳеч тушунмай нуқул «2» қўярдингиз, мана ҳозир ҳам ҳеч нарсага тушунмаяпсиз... Шақиллаб турган «червон»ларни шиқирлатиб ҳамёнга уриб тузалдим. Қайноғига келинг, қайноғига!

— Гапинга тушуна олмадим, Комилжон илгариги дудуқланишингдан асар ҳам қолмабди, худди маҳалланинг сўфисидек бурро-бурро гапиряпсан! Сабабини аниқ айт!

— Ёдингизда бўлса, домлажон, ўша йили, бир амаллаб, кўпчиликнинг ёрдами билан ўнинчи синфни тамомладик. Узингизга равшанки, менинг аттестатим билан институт у ёқда турсин, бирор техникумнинг дарвозасига ҳам рўпара келиб бўлмас эди. Билим паст, бунинг устига баҳойим ҳам нуқул «уч». Ҳа-ҳа-ҳа! Домлалар ҳам лекин «уч» қўйишга жуда уста бўлиб кетишган эди-да. Ҳалиям ўша эски папкангиз борми? Олиб келмабсизда, кеннойимга тўртта сомса жойлаб берардим.

...Хуллас ўша йили Ваҳобжон акамларга сомсапазликка шогирд тушдим, ишлар гўмбир бўлиб кетди.

— Ваҳобжон амакинлар сени текинга ишлатаркан-да?— Шеригига кўзини қисиб қўйди Рустам ака — тушунолмадим-ку, гапингга, Комилжон?

— Йигитча пул топишга чаққон бўлиб кетибдилар.— Содиқ ака Рустам акага қараб пичинг қилди — ҳамма гап шунда!

— Очиғини айтсам — деб гап бошлади Комилжон — ўзимнинг соғайиб кетишим ҳам, ишимнинг авж олишига ҳам асосий сабаб — сомсахонадан тушадиган жарақ-жарақ муллажиринг. Энди тушундингизми, домлажон? Жиянчаларни олиб келинг, шогирд қилиб оламан. Сиз менга «3» қўярдингиз, ўғлингизнинг чўнтагига ҳар куни «ўн уч»ни солиб қўяман. Ҳа-ҳа-ҳа!... Тушундингизми?

— Ҳа, энди бир оз тушунгандек бўлаяпман, гапиравер!

— Биринчи ишга келган кунимоқ, Ваҳобжон акамлар: «Комилжон, сен сомсапазга шогирдсан, у кишига қарашиб турсанг, кунига ўн сўмдан чўзиб туради, ҳунар ўрганасан, харидорлар билан қандай муомала қилишни билиб оласан, секин-секин пулинг кўпайиб, тилинг ҳам равон бўлиб кетади»,— дедилар. Биринчи «червон» тушган куниеъ ўзимни бошқача сеза бошладим. Хуллас, ишлар гумбир бўлиб, кетди... Ихчамгина «Жигули»ча сотиб олдим.

— Мен мактабда ўқитувчи бўла туриб, ловақал мотоцикл оломайман-ку, сен қандай қилиб «Жигули» сотиб ола қолдинг?

— Э, э, домлажон, ҳадеб сўроққа тутаверманг, нима бало ОБХСС бўлиб кетдингизми дейман. Дарров сўроққа тутаяпсиз. Лекин, ОБХССларни ҳам боплаб чалғитиб кетаман мен...

— Рустамжон, Комилжоннинг гапини бўлаверманг, эшитайлик, йигитча менга ёқиб қолди!— деб қўйди Содиқ ака кўзойнагини дастрўмоли билан артаркан.

— Шундан кейин Комилжоннинг чакаги очилиб, баттар бидирай кетди:

— Домлажон, сомсапазга шогирд бўлсам ҳам, янги участкалик бўлдим, катта тўй қилдим. Худо пиёз бозорига баракани бераверса, биз сомсапазлар ҳеч кам бўлмаймиз. Домлажон, хабарингиз йўқми, бу йил Фарғона томонларда пиёз қандай бўлди экан? Жамғарма пиёзлар тугай деб қолди.

— Хабарим йўқ,— деди ўқитувчи ўй суриб,— энди тушунгандай бўлдим.

— Тушунган бўлсангиз, унда менга «5» баҳо қўяркансиз-да, имтиҳонда!

— Ҳа, имтиҳонни «5»га топширяпсан. Бироқ, имтиҳонни мен эмас шеригим, ОБХСС бошлиғи Содиқ аканг оляпти. Сенга «5»ни аллақачон қўйиб қўйганлар.

— Йўғ-е, нима деяпсиз?

ЭРИМНИНГ КИМИ БЎЛАСИЗ!

Инобатхон жуда эрта бева қолди. Яккаю ягона ўғли Шукруллонинг кўнглига қараб қайтиб турмуш қурмади.

Онасининг илиқ муҳаббатини, ўзига нисбатан чексиз ҳурмати-ни сезган садоқатли ўғил Шукрулло ҳамиша муштипар онасига яхши муомалада бўлиб, унинг ҳурмат-иззатини жойига келтириб ўсди. Она-боланинг бир-бирига хушмуомалалиги, чексиз меҳр-муҳаббатлилигини кўрган, сезган қўни--қўшни, ёру биродар, қариндош-уруғлари уларга ҳавас билан қараб, завқланиб бир-бирига садоқатли бўлишни мана булардан ўрганиш керак, деб қўйишар эди.

Инобатхон Шукруллони уйлантириб, келин, неваралар кўриш, улар билан ўйнаб-кулиб, ўзининг ҳаётида кўрмаганини кўришни орзу қиларди. Шунинг учун бир кун чой устида ўғлига гап очди:

— Ўғлим, мана институтни тамомлаб, катта инженер ҳам бўлдинг, йирик заводда яхши маош олиб ишляпсан, обрўйинг ҳам яхши. Менимча вақт етди, бошингни иккита қилиб қўйсақ ўринли бўларди. Мен ҳам яхши келин кўриб, неваралар билан уйимиз гуллаб-яшнаса дейман.

Шукрулло ҳам худди шундай гап бўлишни кутиб юргандек...

— Онажон, сизнинг истак ва ниятингизни иккита қилмайман, нима десангиз шу — деб розилик берди.

— Раҳмат болам,— кўнгли тоғдек кўтарилиб деди она,— мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим, ўзинг кўз остингга олиб юрган қиз бўлса менга айт, ёки менга рухсат бер, қариндош-уруғлардаги қизларни сенга кўрсатай.

— Сиз нима десангиз шу,— деди бошини қўйи эгиб йигит.

Орадан кўп вақт ўтмай онаизор қариндошининг қизи Эркахонни келин қилиш нияти борлигини ўғлига айтди. Қиз-йигит бир-бирларини кўришгандан кейин Шукрулло онасига, менга қиз маъқул, одоби, рўзгорга муносабати, сизга ҳурмати яхши бўлса бўлди, дегандан кейин тўй бошланиб кетди.

Тўйдан кейин кўп ўтмай Инобат хола келини Эркахоннинг совуқ муомаласини, осмондан туриб гаплашишини, тантиқлигини сезиб қолган бўлса-да, боласига бирор нарса деб озор бергиси

келмасдан, индамай қўя қолди. Ўғли учун тоғ келса кемириб, сўз келса шимириб, дардини ичига ютиб жим юраверди.

Хушфеъллиги, илиқ муомалалиги учун Инобат холани қўни-қўшнилар ҳурмат қилишарди. Шунинг учун ҳам уни тез-тез тўйларга, йиғинларга таклиф қилиб, ўткир фикрли, яхши муомалали опани ёлғизлатиб қўйишмай ҳар доим хабар олиб туришарди.

Келин келиб, орадан уч ой ўтгандан сўнг Инобат хола касалга чалиниб қолди. Меҳрибон ўғил секин-секин хотинининг таъсирига берилиб онадан узоқлаша борарди. Буни сезган она яна ҳам ўкинди. Қўни-қўшнилар она-бола ўртасига тушишни эп кўришмасди. Шунинг учун ҳам Шукруллога ақл кириб, ўз умрини боласига бағишлаган онага нисбатан муносабатини ўзгартирар, деган умидда уни зимдан кузатиб юришаверди.

Инобат холанинг ён қўшниси Шарифа опа бир кун уни кўргани чиқиб, аҳволи оғирлашганини, бунинг устига вақтида дори-дармонлар ҳам, мазали таомлар ҳам бўлмаётганини сөзди. Янги келин Эркахон билан бу ҳақда гаплашишни эп билмай, изтироб чекиб Инобат холага кўнглини кўтарувчи бир-икки оғиз сўз айтиб, охирида ҳар ҳолда Шукрулло сизнинг ўғлингиз, бир чақириб гаплашиб қўйинг, келин яхши қараяпти деб ўйлаб юргандир, эркак кишида, онасининг бундай аҳволини билмаса керак, деб маслаҳат берди.

Сезгир аёл Шарифа опа эртасига азонда, қани эр-хотин ўртасида нима гап бўлар экан, Инобат холага нисбатан хотини муносабатини ўзгартирармикин, деган мақсадда Шукруллонинг ишга кетишини девор тепасидан кузатиб турди.

Катта папка кўтариб чиқиб келаётган Шукруллога онаси бир нарса дегандек бўлди. Ўғли «ялт» этиб Эркахонга қаради:

— Онам нима деяптилар?

Эркахон қайнонаси томонга қайрилиб ҳам қарамай «Ҳа, ҳозир ишга шошиб турибсиз, кечга қолманг, кечқурун келиб сўрарсиз», деб ишга жўнатиб юбораётган эди, Шарифа опа девор орқасидан Эркахонга: «Уялинг келин, Инобат холанинг аҳволи оғир, Шукрулло докторга кўрсатиб, дори-дармон қилмаса, дарди оғирлашиб кетиши мумкин. Севимли ўғилнинг кейинги афсусланиши фойдасиз», деб уришиб берган бўлди.

Ҳовлидаги гап-сўзни эшитган она, ўрндан туриб, аста-секин ўғлининг олдида чиқди:

— Шукрулло, болам,— деди нафаси қисиб,— мен сени катта машаққат билан тарбиялаганимни бирор марта ҳам писанда қилмаган эдим. Бир ой бўлди, менинг ҳолимдан хабар олганинг йўқ. Хотининг устидан шу вақтгача шикоят қилмаганман. Совуқ гапига, кўпол муомаласига ҳам кўчкиб қолдим. Қаҳратон киш, уй совуқ.

Саломатлигим бўшашиб боряпти, устига-устак емишимнинг ҳам мазаси йўқ, бу кетишда бутунлай ётиб қоладиганга ўхшайман.. Касалим зўрайиб ётиб қолсам, нега айтмадингиз деб ўкинмагин деяпман. Вақт борида дардимга даво топгин, болагинам!

— Онажон, кечирасиз,— йигит қўлидаги папкани ерга қўйиб, шошилиб беморнинг ёнига келди,— иш билан банд бўлиб сиздан хабар олмабман. Сизга нима бўлди, ўзи?

Инобат хола хўрсиниб, ўғлига узоқ тикилди. Кўзлари ўйчан, ғамгин, дардли эди онанинг:

— Ўғлим, тез-тез мени кўргани кириб тургин. Иложи бўлса тезроқ кўрпа-ёстиқни, каравотни янгилаб, печка қуриб бергин. Ўзинг биласан, мен кўп овқат емайман, кўнглим қовурилган балиқ истаяпти. Мева-чева бўлса, кўргани келганларга дастурхон тузаб қўярдим. Кийимимни янгиласам, уйимдаги палослар ҳам жуда эскириб кетган, уйга келганлардан уяламан.

Қўшнилари бирин-кетин девордан бошларини чиқариб, она-бола ўртасида бўлаётган гапларни эшитиб турдилар. Ўзига қараб турган ғазабли кўзларни сезган Шукрулло Эркахонга бир-икки марта қўл силтаб, девордан қараб турган қўшниларга «гапга аралашманг, уятга қолдирдингиз-ку!» дегандек ишора қилди.

Шукрулло ҳаста онасига итоаткорона қараб, бир нарса демоқчи эди, ўзини ғазабдан тутолмаган Эркахон қайнонаси олдига югуриб келиб, қўлини пахса қилиб, бидиллай кетди:

— Ҳой кампир, менга тушунтириб беринг, эримнинг кими бўлмасиз, нега мунча танбеҳ берасиз, бу киши менинг эрим, бошқа кишининг гапини илтимос деб қабул қилиши мумкин. Буйруқни бу кишига мен бераман!

Девор орқасидан мўралаб турган Шарифа хола ўзини тутиб туролмади, қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади:

— Бўлмаса Шукруллони ўзинг туққан экансан-да. Бу беномуслик-ку! Эрингни туғиб ўстирган, бутун ҳаётини бағишлаган онага шундай дейсанми? Қўрқма, Инобат опамни сенга ташлаб қўймаймиз, ўзим боқаман, маҳалла боқади...

Эркахон вадиллаганча ичкари кириб кетди-да, «вой бу шақилдоқ кампирлардан қачон қутуламан», дея додлашга тушди.

Шукрулло ҳовли ўртасида бошини қуйи солган ҳолда ўйланиб қолди.

«МАХСУС ТОПШИРИҚ»

Ресторан директори Нишон ака телефон орқали шошилинич топшириқ олгач,—«Бу ишни ходимлардан қайси бири тез дўндираоларкин»,—деб бош қотириб турганида кабинетига омбор ишчиси, чала ҳазил, қизиқ гаплари билан ҳаммани кулдириб юрадиган кўз ойнакли йигит Ашурвой кириб келди.

Нишон ака суюнганидан «Ҳизирни йўқласам бўлар экан, худди вақтида келдингизда, Ашурвой, муҳим топшириқ олган эдим, ким қойиллатади деб бошим қотиб турувдим. Мана, ўзлари ҳам келиб қолдилар»,—деб ўрнидан турди.

Ашурвой ҳазиломуз: «Хўжайин адашмадингиз, аслида Ҳизир назар қилган йигитларданмиз-у, ёшликда шўхликка берилиб кетиб, институтни оғизда тугатганмизда. Топшириқни ҳеч тортинмай бераверинг, бутун вужудим билан эшитаман», деб кўз ойнагини тўғрилаб қўйди.

Директор шуни кутиб тургандай, «ғириллаб Чимёнга бориб келсангиз, ана машина тайёр, икки оёқни дарров машинага қараб йўрғалатинг» деб Ашурвойга мақсадни тушунтирди. Директорнинг топшириғи Чимёндаги филиал учун тайёрланган махсус таом ва ичкиликни етказиб беришдан иборат эди.

Ашурвой «ўзлари айтгандай топшириқ жуда муҳим экан, бу совуқ кунда тоғли йўллар сирғанчиқ, бу ёғи қандай бўларкин» дегандек хўжайинининг олдида каловланиб қолди. «Хўп, биз ҳамма шартингизга тайёр, Ашурвой, гапиринг» деган эди, Ашурвой жонланиб:

— Совуқни совуқ кесади, дейдилар, тўғрими?—деб сўради.

— Тўғри,—деб қўйди. Нишон ака.

— Лекин, совуқда муз ялаб бўлмайди, тўғрими хўжайин?

— Хўш, нима демоқчисиз?

— Агар, малол келмаса, икки юз грамм оқидан отиб олсам. Чимён йўлларида шердек ўкириб ўтардим-да.

— Менда арақ йўқ-ку?

— Биламан йўқлигини. Лекин буфетчига икки энлик хат қилиб берсангиз тамом. У ёғини қойиллатиб ташлаймиз, жон ака, йўқ деманг...

Нишон ака бир оз ўйланиб турдида «Буфетчига. Ушбуни кўрсатувчи ўртоққа 200 грамм коньяк қуйиб беринг», деб ёзиб берди.

Ашурвой қоғозни тўрт буклаб кўкрак чўнтагига жойлашдан олдин унга бир кўз югуртирди-да, кулиб, «Биз камтарин йигитларданмиз ака, «оқидан» деб ёзсангиз ҳам бўлаверади-да» деб қўйди. Сўнг ичида «яшавор!— 9 тасидан 200 граммдан бўлса, жўраларнинг бир бити тўкилар экан-да» деб ўйладида кабинетдан шитоб билан чиқиб кетди. Чиндан ҳам ресторанга янги директор бўлиб келган Нишон ака бу ерда 9 та буфет ишлаб туришини шу пайтда хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Орадан 2—3 кун ўтиб кетди. Директор топшириқ қалай бажарилганини сўрамади. Бундан хурсанд бўлган Ашурвой ҳам «ўзи билса керак» деб индамай айшини суриб юраверди.

Ҳамма гап 9 буфетчи бир бўлиб, директор кабинетига бирдан арз қилиб келишганда аён бўлди.

Буфетчи аёллар бир-бирига гал бермай, уч кундан бери Ашурвой бир тўда ўртоқлари билан буфетчиларга «директор хатини» кўрсатиб 200 граммдан коньяк отиб кетаётганини айтиб нолий бошлашди.

Нишон ака гап нима ҳақда бораётганини зўрға тушуниб, «Тўхтанглар, ўзи нима гап, мен бир марта қуйиб беринг» деб ёзганман-ку, нега ҳаммангиз уч кундан буён бир неча марта қуйиб берасизлар, деб бўғилиб турганида кайфи тароқ Ашурвой илжайиб кириб келди. Директор унинг оёқлари чалишиб-чалишиб кетаётганидан ҳайратда эди.

Ҳангомадан хабардор бўлган рестораннынг бош ошпази Зоҳид ака ҳам эшикдан илжайганча кириб келди. Негадир, буфетчи аёллар оғизларига талқон солишгандек жим қолишди. Ашурвой вақтдан фойдаланиб, «Зоҳид ака, янги раҳбарга тушунтириб қўйинг» дегандек, маъноли имлаб қўйди:

— Ошпаз ака, нега жим турибсиз, ёки юз граммга арзимаемизми?— деб сўради яна Ашурвой,— бўлмаса... биз ҳам... ҳалиги ишларни-а?..

— Йўқ, йўқ, Ашурвой, ичинг, бемалол,— қўлларини ёзиб деди Зоҳид ака,— фақат, ҳалиги, закускасиз ичаяпсиз, нима бизнинг таомларимиз ёқмай қолдимиз? Қайнатилган гўштлар, қовурилган жўжалар... ичинг ука, лекин закускани ҳам унутманг!..

Бош ошпазнинг бешиктерватардек енгил чайқалиб турган Ашурвойга бунчалик мулозамат билдириши чуғурлашиб турган буфетчи аёлларни ўйлантириб қўйди. Эҳтимол, бу Ашурвойнинг бир

RS'ILON QOTISODIYOT
KOLEN

...анави қалбаки ишлардан хабари ҳам бордир... йўқ, хшиси унинг жигига тегмаслик керак... киша-миша-чикиб... овози ўчиб юрса бўлди-да...

— Хўш, талабларинг нима эди — суҳбатга якун ясамоқчи бўлди янги директор.

Буфетчи аёллар, сен гапир, сен гапир, деб анчагача бир-бирларини турткилаб туришгач, ниҳоят бир дадилроғи деди:

— Шу ҳалиги... Ашурвой ўзи ёмон йигит эмас-ку... ҳалиги қўлидаги қоғоз уриниброқ қоляпти, янгилаб берсангизми, демоқчи эдик...

Янги директор ҳам ўйланиб қолди... Нима гап ўзи-а? Бу аёллар ҳозиргина Ашурвой бундоқ, Ашурвой ундоқ деб шикоят қилиб туришган эди-ку... ёки бу йигитда бирор сир бормикин? Ҳа бир сир бор бу Ашурвойда. Бўлмаса бош ошпаз унинг ҳурматини бунчалик жойига қўймаган бўларди... янги директор эндигина иш бошлаганда... тагин бирор ишкали чиқиб ўтирмасин... йўқ, нима бўлганда ҳам уни хафа қилмаслик керакка ўхшайди...

— Директор бошини кўтарди.

— Қоғозни янгилаб беринг, демоқчимисизлар?

— Агар малол келмаса...— дейишди буфетчи аёллар.

— Оббо Ашурвойе,— деб қўйди директор,— сизнинг бу ерда обрўйингиз жуда баланд эканку! Ҳа майли янгиласак янгилабмизда... Манг, лекин кўп ичманг. Хўш, Чимёнга қачон жўнайсиз?

— Яна махсус топшириқ борми?— шошилиб сўради тўсатдан аҳвол яхшилик томонга ўзгаргани учун хурсанд бўлиб кетган Ашурвой,— нима буюрсангиз ҳаммасига тайёрмиз, хўжайин. Фақат кичкинагина бир илтимос бор.

— Хўш?

— Озгина гўшт, қази, қизил икрага ҳам қоғоз қилиб берсалар...

— Янги директор қаерга келиб қолганидан ҳайрон эди.

КАЙФИЯТ [Оила манзараси]

Ишдан чарчаб келган Абдухолиқ хотини Мавжудахонга:

«Хоним, уйнинг ременти ҳам тугади, энди сиздан илтимос, кераксиз, лаш-лушларни бирор бўш хонага олиб чиқайлик; ошхона озода турса, иштаҳа ҳам яхши бўлади. Ошхонада ҳамма нарса муҳайё бўлса, сизни у уйдан бу уйга югуртирмай, шошганимда ўзим нонушта тайёрлаб тез танаввул қилиб кетаверардим»,— деди-ю, балога қолди.

Кўзини ола-кула қилиб айюҳаннос кўтарган хотинига ҳам ҳайрат, ҳам ачиниш билан қараб турган Абдухолиқ:

— Агар сизга малол келса, катта ўғлингизни чақириб, иккала-миз бир зумда бу лаш-лушларни жой-жойига тахлаб қўямиз. Шунанга жанжалу, бақириқнинг нима кераги бор. Қанча иш бўлса, осойишталик билан тез битириш мумкин,— деб қутулмоқчи бўлди.

Бундан фиғони фалакка чиққан Мавжудахон:

— Ҳали биз ишга ярамай қолдикми? Олтита болангизни ким боқяпти, ойингиз ва дадангизнинг кирини ким ювяпти, овқатларини ким тайёрляпти. Уларни ҳам катта ўғлингиз билан қиласизми? Ёки эртага тагин менга қоладими, бу ишлар,— деб яна айюҳаннос солди.

— Мен сизга миннат қилаётганим йўқ, хоним, фақат ёрдам бермоқчиман. Шу эски-тускиларни ертўлага тушириб қўйиш ҳам шунчалик гап бўлдимми? Бу уй ясатиш эмаску,— дейди эр узр сўрагандек маънос бир оҳангда.

— Бу ердаги кийим-кечакларни, идиш-товоқларни фақат ўзим жой-жойига қўйиб тўғрилашим керак... Нега бунча шошиласиз? Нима, сиз бу ерни тезроқ тозалаб, уйларни безатиб, менга кундош олиб келмоқчимисиз?

Абдухолиқ бирон нарса дейман, деб чоғланганда, хотини яна оғиз очиртирмади:

— Агар бу қилаётган ишлар сизга ёқмаётган бўлса, ўз вақтида қилиб улгуролмаётган бўлсам, унда бирор ёрдамчи олиб келиб қўйинг. Эски-тускиларни бу ерда баҳона қилиб, мақсадингиз— уйланиш бўлса, уйланинг, йўқ деяпманми?!

— Ҳой, сизга нима бўлди? Бу гапларни айтишга қандай тилингиз бораяпти. Бирор асос йўқ-ку, тухмат ёғдиришга. Ишингизни энгиллаштириб берай, деб балага қолдимми? Ёшим бир жойга бориб қолган одам бўлсам, бола-чақа олдида нега асоссиз беҳурмат қиласиз, уялтирасиз.

— Ҳа, Рисолатхон, Фаридахон,— санаб кетади хотини,— ўшаларникида ҳам жанжаллар бўлиб туради. Эралари бошқача фикрга тушиб қолганлигини, уйланмоқчи эканликларини олдиндан сезиб, вақтида тергаб олишган, тўғри қилишган, хўп қилишган!! Вой шўрим, сизнинг ҳам фикрингиз бузилиб турибди!!

Абдухолиқ гап нимадалигини сезгандек, энгил жилмайиб қўяди. Яна нимадир демоқчи бўлиб турганда ўғли кириб қолади. Яхши гапириб ўғлини нариги хонага чиқариб юборади: «Ўғлим, онангга бром ичиргин, зора асаби тинчланиб, жанжални тўхтатса... Тавба, уйда бирор иш қилай десам ҳам ёқмайди, яхшиликка ёмонлик деб шуни айтсалар керак». Шундан сўнг стулга ўтириб газета ўқимоқчи бўлади, ўқий олмайди, ўрнидан туриб бетоқат юради. Ярим тунгача уйқуси келмай, безовта бўлиб чиқди. Эртаси эрталаб ўрнидан чарчаб, толиққан ҳолда турган Абдухолиқ ўз-ўзига ачиниб, секин шивирлаб қўяди.

«Э, аттанг, бугун душанба куни, бир ҳафталик кайфиятга таъсир қиладиган бўлди-да»,— хотини тайёрлаб қўйган нонуштага узоқ тикилади, негадир ҳеч нарсага қўл ургиси келмайди. «Бу нонуштани тановул қилиш учун яхши кайфият ва иштаҳа ҳам керак-ку», дея пичирлайди яна. Хотини кириб келади, кулади, эркаланади. Кўринишидан нимадандир мамнун, кайфи чоғ:

— Мен ошхонадаги ошиқча нарсаларнинг ҳаммасини жой-жойга саранжомлаб қўйдим.— Ўрни бўлмаса ҳам яна кулади,— бугун ишдан келгунингизча ҳаммасини ювиб, ярқиратиб, овқатланадиган столингизни ҳам шу ерга қўйиб қўяман. Маъқулми хўжайин? Маъқул денг, қани айтинг-чи, кулиб айтинг. Қани ўтиринг, энди биргалашиб нонушта қиламиз! Йўқ, яхшиси сиз овқатланиб туринг, мен кийим-бошингизни дазмоллаб қўяй... Қани бир кулинг-чи, ана шундай, мен ҳозир қайтаман...

Абдухолиқ кулимсираганча овқатланишга ўтиради, хотинининг тўсатдан бунчалик ўзгариб қолганига ҳеч тушунолмайди...

Бунинг боиси кеча Мавжудахон ўринсиз рашк қилиб қўйганини сезган эди.

ҚОРОВУЛХОНАДАГИ ЛЕКЦИЯ

Тўсатдан Аҳад Жўраевичнинг уйида телефон жиринглаб қолди. Қўнғироқ қилаётган дўсти Ҳасан Иброҳимович экан. Ҳол-аҳвол сўрашишди, бола-чақаларнинг соғлиғи, оила кайфияти, савдодаги ишларнинг бориши ҳақида бир-бирларидан кўнгил сўрашган бўлишди.

Икковини ҳам идора иши шошириб қўйибди. Устига-устак харидорлар жуда инжиқ, ўта талабчан бўлиб кетишган. Шу баҳона телефонда иккови ҳам бир оз юрагини бўшатиб олишди. Асил мақсадлари, бир амаллаб дипломли бўлиб олишса бас, кейин беташвиш, беғалва ишга ўтиб кетишади, шу мақсадни айтиб, бир-бирларининг кўнглини кўтарган бўлишди.

Шу пайт Ҳасан Иброҳимовичнинг овози тўсатдан ўзгариб, ташвишнамо эшитила бошлади:

— Эшитдингизми Аҳаджон, бугун имтиҳон бор эмиш?

Аҳад Жўраевич томоғига суяқ тиқилгандек, бир қалқиб тушди:

— Йўғ-е! Қайси фандан экан?

— Сен билармикансан деб кўнғироқ қилаётгандим,— дея Ҳасан Иброҳимович чайнала бошлади:— сиёсий иқтисодданмикан, фалсафаданмикан...

Йўқ, ҳар қанча бош қотиришмасин, бари бир, топишолмади, яхшиси, зудлик билан институтга етиб боришга қарор қилишди.

Аммо ҳафтанинг охириги куни бўлгани учунми ё кеч кириб қолганлиги учунми, институтда одамлар сийрак эди. Деканат ҳам бугун берк. Проректорнинг секретаридан сўрашган эди: «84 та группа бор, қайси бирида имтиҳон бўлишини қаёқдан билай», деб жеркиб берди.

Институт биносига кираверишдаги хонада газета кўраётган қоровул бобо кўз қирини ташлаб уларнинг ҳамма ҳаракатларини кузатиб ўтирган экан, деразани қия очиб:

— Ҳа, йигитлар!— дея мурожаат қилди,— оёғи куйган товуқдек зир югуриб қолдиларинг, тинчликми?

Аҳад Жўраевич ўзига ихлоси баланд, зукко магазин директорларидан бўлгани учун бепарво қўл силтаб ўтиб кетди.

Ҳасан Иброҳимович дўстига қараганда анча хушфеъл, муомалали эмасми, тўхтаб, қоровул бобога тавозе билан салом берди:

— Бобой, билмайсизми, бугун қайси группада имтиҳон бўларкан?

Қоровул деразани каттароқ очиб, ташқарига бошини чиқарди:

— Бугун иккита фандан имтиҳон бор, ўғлим, тарих билан фалсафадан. Сизлар қайси курсдансизлар?

— Бешинчи курсданмиз,— негадир шошилиб деди Ҳасан Иброҳимович.

— Демак, сизларга тарихдан бўлади.

— Оббо, бобой-ей, сиз қаёқдан биласиз?

— Бу даргоҳда қирқ йилдан бери ишлайман, билмайдиган иш бормикан ўғлим. Ғафуров домла тўсатдан Москвага учадиган бўлиб қолди. Имтиҳоним бор деган экан, деканатдагилар имтиҳонни бугун олиб, тугатинг, деб топшириқ беришибди. Студентларни бир-бирларига хабар беришлари учун ҳар томонга жўнатиб юборишди. Сизлар ҳам ўша домлада ўқиганмисизлар?

— Худди шундай?

— Имтиҳон саккизда бошланади,— яна тушунтира бошлади қоровул,— кўкрак чўнтагидан занжирли соатини олиб негадир қулоғига тутиб кўрди-да, яна чўнтагига жойлаб гапида давом этди.— Ҳали икки соат бор экан. Ичкарига киринглар, аччиқ-аччиқ чой дамлаб бераман...

Икки соат ташқарида ўтиргандан кўра, иссиққина хонага кириб, қайноқ-қайноқ чой ичганга нима етсин. Икковларининг ҳам бошидан шу фикр ўтди-ю, ялт этиб бир-бирларига қараб олишди. Хона торгина эди, чиндан ҳам электр чойнак шарақлаб турибди, ўртадаги эски столга газета-журналлар устма-уст териб қўйилибди. Бир чеккада даста-даста китоблар ҳам кўзга ташланади.

— Бу демйан, отахон, кутубхоначилик ҳам қиласизми дейман,— ҳалиги ўнғайсизликни ўртадан кўтариб ташлаш учун биринчи бўлиб гап бошлади Аҳад Жўраевич,— бай-бай-бай, ҳамма ёқни газета-журналларга тўлдириб юборибсиз-ку, отахон.

Қоровул мийигида бир кулиб қўйди-ю, негадир дарров жавоб қайтармади: Шошмасдан чой дамлади, қайтариб, чойнакнинг устига сочиқ ташлади.

— Яна уч-тўрт соатдан кейин бу ерда ҳеч ким қолмайди, аммо қоровул деган ухламаслиги керак. Тонг отгунча эрмагим газета-журнал... Бу дунёда ўқимаган газетаму, варақламаган китобим қолмади ҳисоб...

Ҳасан Иброҳимович, қойил дегандек бош чайқаб қўйди. Газета-журналлар ҳақида гап очмоқчи бўлди-ю, аммо тарихдан имти-

ҳон бўлишини эшитгандан буён хаёлини муаллим Ғафуров банд қилиб турганидан, бошқа гап кўнглига сиғмади. Чунки у Ғафуров домланинг дарсида йил бошидан бери икки-уч мартагина бўлган холос.

— Домланинг одати қанақа экан?

— Ғафуров домлами?— оппоқ оқарган қуюқ қошларини ғалати чимириб, бир оз жим турди қоровул,— талабчанликка ўлардек талабчана аммо ғалати одати бор унинг. Ўзи тарихдан лекция ўқиса ҳам, талабаларини қийнаб, нуқул халқаро аҳволдан сўрайверади, асли ўзи «Билим» жамиятида лекторлик қилиб туради, халқаро аҳволни ёритишда тенги йўқ азаматни...

— Халқаро аҳволдан!— Бундай гапни кутмаган икки ўртоқ бараварига ўринларидан туриб кетишди.

— Нега рангларинг оқариб кетди?— шошилиб сўради Қоровул бобо,— ёки халқаро аҳволни кузатмайсизларми? Вақт йўқ? Э, шуям баҳона бўптими!

— Савдода ишлаймиз, отахон.

— Савдода ишласаларинг нима қилибди? Газета-журналларни ҳамма ўқиши керак. Савдода ишлаётганлар яна ҳам кўпроқ ўқиши керак. Мана, ҳозир доллар инфляцияга учради. Эллик йилдан буён Америка доллари бунақанги беобрў бўлмаган эди, пул эмас, бир ҳовуч хазон бўлиб қолди. АҚШнинг қирқинчи президенти Рональд Рейгanning мухбирлар билан қилган суҳбатини ўқимадингизми? Э, баракалла, сизларга!

— Отахон, агар малол келмаса— тортиниброқ деди йўл қўйган беодоблигидан ҳали ҳам уялаётган Аҳад Жўраевич— шу халқаро аҳвол ҳақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз... Йўқ, йўқ, чойни ўзимиз дамлаймиз... Оббо, отахон-ей, ҳинд чойини яхши кўраркансиз-да... Худо хоҳласа, кейинги имтиҳонга келганда энг тозасидан бир кило келтириб бераман...

— Э, ўғлим,— қўл силтаб қўйди Қоровул бобо,— совғанг ўзингга насиб қилсин. Лекин, гапириб бер десаларинг гапириб бераман, бари бир қиладиган ишим йўқ. Ғафуров домланинг келишига ҳали бир ярим соат бор... Шунақа гаплар ўғилларим.

Халқаро аҳвол ҳозир чирсиллаб турибди... Европа халқлари нейтрон бомбани мамлакатимизга киритмаймиз деб ёппасига оёққа туришди, ГФРни ҳисобга олмаганда, бошқа кичик мамлакатларда катта-катта намоишлар бўлиб ўтаяпти. Куни кеча Швейцарияда эллик минг кишилик намоиш бўлиб ўтди...

— Отахон, баъзи бир ўринларини ёзиб олсак майлими?— папкасидан дафтар олатуриб сўради Аҳад Жўраевич,— лекин билимингиз пухта, ҳар сўзингиз олтинга тенг экан, қаерда ўқигансиз, отахон?

— Бундан ўттиз беш йил илгари шу даргоҳнинг талабаси эдик, биз ҳам институтни ўттиз беш ёшимизда битирганмиз. Шундай эди, ҳозир 22 ёшда битиришади.— Ёзсаларинг ҳам бўлади, ёзмасаларинг ҳам,— чой ҳўплаб олди Қоровул бобо,— негаки, бу гапларнинг ҳаммаси газетада бор, янгилик эмас... Энди, мана, Яқин Шарқ масаласини олайлик, Кемп-Дэвид шартномаси тузилди-ю, араблар ўртасига нифоқ тушди. Садат араб дунёсига хиёнат қилди, Паластин озодлик ҳаракатига зарба бермоқчи бўлди-ю, лекин урдасидан чиқолмади, қайтага ўзи яккаланиб аросатда қолди...

Шу йўсинда қоровул бобо бир соат чамаси гапирди, шу муддат ичида онда-сонда чой ҳўплаганини ҳисобга олмаганда, деярли сўзлашдан тўхтамади. Дўстлар ручкани узоқ ушлашга ўрганмаган бармоқлари увишиб, қабариб чиққунча ёзишаверди. Охирида, қоровул бобо ҳар икки талабага омад тилади. Укаларим «такрор айтаман, охирроқда киринглар, Ғафуров домла шошиб турибди,— деб тайинлади.— Домлалар шошган пайтида охирда кирган улоқни юмалоқ-ёстиқ қилади, ҳа шундай, мен ўттиз беш йиллик тажрибамдан биламан бунини...»

Уша куни икки ўртоққа омад кулиб боққан экан. Икковига ҳам ҳозиргина тинглаган сабоқларидан савол тушди. Аҳад Жўраевич Эрон-Ироқ можароларига оид саволга жавоб берди, Ҳасан Иброҳимович нейтрон бомбасига қарши намойишлар ҳақида яхшигина фикр айтди. Ким билади, домла Ғафуров сафар олдидан дўстларни бир қувонтирмоқчи бўлдими, ёки талабаларининг жавоби маъқул келдими, ҳар қалай, икковига ҳам «яхши» баҳо қўйиб берди.

Икки ўртоқ институтдан чиқиб кетатуриб, бир хаёллари қоровул бобога раҳмат ҳам айтмоқчи бўлишди-ю, лекин иззат нафслари бунга йўл қўймади. Тўғри-да, бири катта бир базада раҳбар, бошқаси магазин мудирини бўлса-ю, қаёқдаги бекорчи бир қоровул чолга эгилиб таъзим қилишса! Эртага бир-икки юмалоқ чой ташлаб ўтишса қарзидан қутилган бўладигандек.

— Кетдикми?— деб сўради Аҳад Жўраевич.

— Бу гал таксини сен тўхтатасан!— жўрасининг елкасига уриб қўйди Ҳасан Иброҳимович.

Улар шу пайтда қоровул бобонинг деразадан киноя билан кулиб турганидан беҳабар эдилар.

ГОЛИБЖОН БУЛАМАН

Фабрика директори Козим Носирови¹ билан бош инженер Йўлдош Фозилович кадрларни ўз ихтисоси бўйича жойлаштириш тўғрисида бош қотириб ўтиришган эди. Стол четидаги телефонлардан бири жириглаб қолди. Козим Носирович трубкини кўтариб:

— Эшитаман!— деди-ю, тўсатдан электр токи ургандек сапчиб кетди. Гўё қаршисида мўътабар бир зот тургандек, дарҳол чап қўлини кўксига қўйди ва хиёл олдинга эгилганча давом этди.— Э, э, ассалому алайкум, акажон! Саломатмисиз! Келинойим яхшимилар, жиянчалар чопқиллашиб юришибдими? Эшитаман, акажон! Хўп, бўлади, жоним билан, албатта жойлаштирамиз...

Трубкини қўйгандан кейин ҳам Қозим Носировичнинг юзидан анчагача табассум аримади, худди ширинлик еган чақалоқдек тамшаниб-тамшаниб қўйди.

— Ким экан?— сўради Йўлдош Фозилович.

— Бошқарма бошлиғи,— деди-да, секин-аста директорнинг юзидан табассум нури сўна бошлади.

— Карим Расуловичми?— деди бош инженер.

— Ҳа. Илтимослари бор экан. Жиянлари бўлса керак, қанотингиз остига олинг дедилар...

— Бош инженер «қанотимиз ҳам роса кенгайиб кетди-да ўзи!» демоқчи бўлдию, директорнинг тундлашганини кўриб тилини тишлади. Бир-бирларига ғалати қараб олишди.

Кабинет эшиги овозсиз очилиб, остонада секретарь қиз кўринди.

— Бир йигитча келиб қабулхонада тўполон кўтаряпти. Навбат билан кирасиз десам кўнмади. «Директор эрталабдан бери менинг келишимни кутиб ўтирибди» деб одамларни туртиб олдинга ўтиб олди. Қўйиб юборайми?

Секретарь қиз бошлиқдан жавоб олишга улгурмай қолди. Унинг ёнидан бир йигитча лип этиб ўтди-да, қўлидаги дипломант папкасини ерга қўйиб, икки қўлини чўзганча директор олдига келди.

— Ассалому алайкум, акалар! Сизлар интизорлик билан кута-

ётган Ғолибжон биз бўламиз. Ёш рассомман. Амаким телефонда тайинлаб қўяман деганди...

Йигитча ҳангу-манг бўлиб турган директорнинг қўлини маҳкам қисиб узоқ силкитди. Сўнг бош инженерга, менсимайгина қўл узатди-ю, «Сизга ҳам саломлар бўлсин!»—дея давом этди.— Бош рассом бўлиб тайинланишимни эшитганимдан кейин тортиниб ўтирмай, дангал келавердим, тўғри қилибманми, акажонлар! Амаким айтганларидек тортинчоқ кишидан ҳеч қачон раҳбар чиқмайди...

Бош инженер ичида «димоғи» анча баланд-ку!» деди-да, тескари ўгирилиб деразадан ҳовлини томоша қила бошлади. Директор стол устидаги ойнани чертганича Ғолибжонга бошдан-оёқ синчковлик билан разм солди-да:

— Хўш, Ғолибжон, қани ўтиринг-чи,— деди.

— Раҳмат!— деб йигит ялпайиб ўтириб олди ва мебелларга суқ билан қараб, бидиллай кетди.— Лекин, директор ака, мебелларни яхши танлабсиз. Менинг кабинетимга ҳам ана шунақасидан олдириб берасиз, бўптимиз?

— Ҳужжатларингизни бир кўрсак майлими? Диплом борми?

— Ғуж-ғуж... Диплом! Қанақа диплом?! Бобойканинг гапи ўнта дипломдан ортиқ эмасми? Ҳозир диплом дегани модадан чиқиб кетган-ку! Муҳими, ишни бошқара билиш! Бобой айтдиларки...

— Ҳарқалай,— тортиниброқ гапга аралашди бош инженер Йўлдош Фозилович,— бирон институтни битиргандирсиз?

Ғолибжон енгилгина кулиб «Қўйсангиз-чи» дегандек қўлини силтаб қўйди, сўнг директорга ўгирилди.

— Институтни битириш қочиб кетмайди. Диплом масаласи мен учун чепуха! Хоҳласам уни бобой бир кунда тўғрилаб берадилар. Аммо амакимдан сал ҳайиқадилар-да: бўлмаса аллақачон тўғрилаб берган бўлардилар... Айтганча, сўраганнинг айби йўқ, бу бош рассомликнинг маоши каттаи ўзи...

Козим Носирович нимадир эсига тушгандек ошиғич ўрнидан турди:

— Кечирасиз ука, сизни ҳозирча бош рассомликка тайинлай олмайман.

— Нимага?

— Шунақа, ука.

— Эҳтимол мени танимаётгандирсиз?

— Таниб турибман.

— Мен Ғолибжонман-а?

Козим Носирович ўрнига ўтирди, бош чайқади. Бўёқчилик, гулчилик цехларида институтни битириб келган кадрлар ишлаётгани-



ни, бош рассом бўлиб ишлаш учун бой тажрибага эга, малакали мутахассис бўлиш кераклигини айтди.

— Тажриба дейсизми!— юзлари нурланиб, қувончи ичига сиғмай деди Голибжон.

— Ҳа, тажрибали кадр керак,—«Хайрият мақсадимни тўла тушунтира олдим шекилли», дея чуқур тин олди директор.

— Худди ўша сиз ўйлаган тажрибали кадр мана менман-да,— шошилиб деди Голибжон. Тажриба орттираман деб корхонадан корхонага ўтавериб ҳаш-паш дегунча меҳнат дафтарчамнинг етти варағини тўлдириб қўйганман. Мана кўринг, тажриба деган бундан ортиқ бўладими, акалар?

Козим Носирович унинг меҳнат дафтарчасини узоқ варақлади. Бош инженер ҳам кўриб чиқди. Иккиси маъноли кўз уриштириб олишди.

— Голибжон,— деди кескин директор. Сизни оддий рассомлик вазифасига олишимиз мумкин.

— Бош рассом бўламан деб келган кишини-я! Йўқ! Бунақаси кетмайди. Амакимга арз қиламан. Мақсадимни мен сиз, азизларга, тушунтира олмадим, шекилли, кечирасизлар, акажонлар, бўлмаса ўзлари, Карим Расулович — яъни бошқармангизнинг бошлиғи, яхшилаб «тушунтириб», такрор айтяпман, тушунтириб қўядилар. Хайр, чао!..— Голибжон қабулхона эшигини қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетди. Директор билан бош инженер бир-бирларига қараганларича ҳайрон бўлиб қолавердилар.

«ЯХШИ КАЙФИЯТ»

(Доимо жанжал-сурон, дағал муомала ва қизганиш одат ту- сига айланган бир аёлнинг кескин ижобий ўзгарганлиги, бунинг сабаби радионинг янги программаси эканлиги ҳақида).

Эрта билан «Яхши кайфият» программасидан таъсирланган Ойнисахон секингина каравот ёнига келиб, майин овоз билан: дадаси, тура қолинг, ҳа деб ухлайверасизми. Нонуштага нима тай- ёрлай? Қайси костюмингизни дазмоллаб қўяй, кўйлакнинг қайси бирини киясиз? Оқиними ёки рангдориними?— деб мулойим жил- майиб турганида Маҳмуджон уйқудан кўзини аранг очди.

Бундай майин мулозамат, ёқимли ва илиқ сўзни хотинидан эндигина эшитаётганди. Маҳмуджон ўзига-ўзи «астафирулло, ту- шимми ёки ўнгимми», деб кўзини пирпиратарди. Ўзининг уйғоқли- гини ва бу муомаланинг рostaкам тушида бўлмаганини англаб у секингина:

— Ҳой онаси, бир зумда шунча ўзгариш юз беряпти, тинчлик- ми ўзи? Илгарилари уйқудан олдин соатни эрталаб еттига бураб қўйиб, жиринглаган заҳоти сапчиб уйғониб, чой қўйганда қўйиб, қўймаганда вақтим етишмай шошиб қолиб, кўпинча ишга нонуш- тасиз кетаверардим. Бугун тушимми, ё ўнгимми? Кун қайси то- мондан чиқди экан? Айланай хотинжон, ширин сўзларингиз, ке- лишган қоматингиз жуда ярашиб турибди, шундай муомалани қанда қилмасангиз бўлгани,— деди.

Ойнисахон бу гапдан ранжиганини сездирмоқчи бўлиб:

— Мунча ношукурсиз, Маҳмуджон ака, ҳозиргина радиодан янги «Яхши кайфият» радио программаси эшиттиришида сатира, юмор, ашулалар берилди. Роса мириқиб эшитдим, кайфиятим уй- ғунлашди. Туринг, донг қотиб ухлайверасизми? Шундай яхши кон- церт, ҳазил-мутуйибалардан беҳабар қолдингиз, эрталаб барвақт уйғонсангиз маза қилиб эшитардингиз. Одам деган бунчалик қоқоқ бўлмайди. Ҳамиша санъат янгиликларидан, қизиқ эшиттиришлардан баҳраманд бўлиб турсангиз кайфиятингиз соз бўлади, дадажониси.

Маҳмуд завқ билан:

— Баракалла, отасига раҳмат, «Яхши кайфият» эшиттириши

ижодкорлари, санъаткор-хонандалар жуда зўр янгилик яратишибди,— деб сўзини тамомламаган ҳам эдики, хотини:

— Вой ўлмасам, сиз кимга раҳмат деяпсиз дадаси?— деди.

— Шу эшиттиришнинг ижодкорларига-да, кимга бўларди? Онаси ёки сиз гапимга қўшилмайсизми?

Хотини лабини буриб: Ҳар галгидек сизга мени камситиш бўлса бас, деган киноясига жавоб бермоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган Маҳмуджонга гап бермай, бидирлай кетди:— Нега менга эмас, балки эшиттириш ижодкорларига миннатдорчилик билдирасиз? Янгиликни яратган кишигина эмас, тарғиб этган киши ҳам алоқадор бўлади, биласизми дадажониси?

Ойнисахон қойил қилдимми дегандек, Маҳмуджонга кўзини қисиб қўйди. Бир-бирларига тикилиб турган эр-хотин роса мириқиб кулишиб, эшиттириш ижодкорларига, санъаткор ва хонандаларга бир овоздан миннатдорчилик билдиргандек бараварига:

— Ҳа, шундай ёқимли эшиттиришлар бўлиб турса, ҳар куни ҳар ҳафта яхши кайфият билан бошланса, ҳаммамиз бирдай хурсанд бўламиз дегандек табассум билан кулиб қўйишди.

ИНТЕРМЕДИЯЛАР

«...ОЙНАДАН УПКЛАМА»

Икки раҳбар телефон орқали суҳбатлашмоқда. Уларнинг биттаси автотрест бошқарувчиси — Тошматов, иккинчиси марказий газеталар Тошкент бўлимининг мудирини Эшмуҳамедов. Гап марказий газеталардан бирининг республика бўйича мухбирига енгил машина боғлаб қўйиш ҳақида боряпти (Эшмуҳамедов кабинетда мухбир Адолатхон ҳам бор).

Эшмуҳамедов — (телефонда гудок пайдо бўлгандан сўнг). Салом, ўртоқ Тошматов марказий газеталар Тошкент бўлинмасидан гапиряпман. Эшмуҳамедовман. Бизнинг мухбирга ҳалиям машина боғланмади, ҳамма ҳужжатлар бир ой илгари юборилган эди, пули ҳам трест ҳисобига аллақачон ўтказилган.

Тошматов — Кимман, қаердан, нима ҳақида гапиряпман дедингиз? (афтини бужмайгириб). Алло; алло, сиз Эшматовмисиз, Раҳматовмисиз, Аҳмедовмисиз, менга телефонда ажратиб олиш жуда амри маҳол бўлаяпти. Овозингиз ёмон эшитиляпти. Мен сизнинг кимлигингизни билолмаяпман.

Эшмуҳамедов (ранжиган оҳангда)— Э, инсонга ишониш керак, мен сизга ҳамма асосли ҳужжатларни санаб бердим-ку, нега ҳадиксирайсиз.

Тошматов (дағдаға билан)— Менинг телефонимда телеэкран йўқ шунинг учун сизни ким эканлигингизни билмайман, балки кўчадаги автоматдан кўнғироқ қилиб, мени лақиллатаётгандирсиз.

Эшмуҳамедов (ҳайрон бўлиб)— Машина менга эмас, газета мухбирига керак, унинг устига ҳамма ҳужжатлар қўлингизда, бу вазифа менга топширилгани учун сизга мурожаат қиляпман, тўғри гапирсангиз бўлмайдими? Тошматов — биродар, гапни чўзманг фойдасиз, мени телефонда эмас, мажлисларда ҳам тарбиялаб кўришган, шунинг учун насиҳатни қўйинг. Отамдан эшитган насиҳатим ҳам етарли менга!

Эшмуҳамедов (бир оз ўзини босиб)— Телефонда гаплашишни ис-тамасангиз, мухбирни қабул қилмасангиз, бўлмаса иш услубингизни айтинг, қандай қилиб сизга арзимизни етказсак бўлади?

Тошматов (елкасини қисиб)— Министрлик томонидан тасдиқланган

«Инструкцияда» трест бошқарувчисининг ҳуқуқи ва вазифалари тўла ёзилган, хоҳласангиз уни топиб ўқинг, гап тамом, мени гапингизга ишонтира олмадингиз.

Эшмуҳамедов (киноя билан)— Бўлмаса, шу машинада юрадиган мухбир Адолатхонни қабул қилиб, гаплашинг, зора шунда гапимга ишонсангиз.

Тошматов (яна тутоқиб)— Сиз мени, мухбир юбораман деб кўр-қитманг, устингиздан шикоят қиламан, мухбирнинг иши бўлса министрлик билан гаплашаверсин, трестимизнинг ҳамма ютуқлари уларга маълум, гап тамом, телефонни узоқ банд этманг, менга ҳозир раҳбарлар кўнғироқ қилиб қолишлари мумкин.

Эшмуҳамедов (сал кулимсираб)— Менимча сал қизишиб турганга ўхшайсиз, ўртоқ Тошматов, Сиздан яна илтимос мухбир Адолатхонни қабул қилиб, гаплашсангиз ҳаммаси аён бўлади, умумий ишга бундай ёндашиш яхши эмас..

Тошматов (шаштидан тушмай)— Яна бир бор айтаман, мени вақтим йўқ, мухбирингиз муовиним Шодмоновга учрашсин, уни топмаса бош инженер Ивановга учрашсин, гап тамом, бошимни қотирманг.

Эшмуҳамедов (кулиб)— муовинларингизнинг ҳаммаси билан гаплашдик, ҳаммалари сизга учрашишни маслаҳат бердилар, энди битта учрашмаганимиз «Муштум» журнали-ю, республика автотранспорт министрлиги қолди.

Тошматов (ҳеч нарсага тушунмагандай)— Телефонда 30 минутдан ортиқ гаплашяпмиз, вақтни тежаш керак, ўртоқ, агарда ростдан ҳам ўзингиз айтган лавозимдаги киши бўлсангиз, буни ишонарли қилиб тасдиқланг. (Тошматов кабинетга кириб келадиган бошқарма бошлиғи ўртоқ Аброровни кўриб қолади, бирдан телефонни унутиб)— Э... келинг ҳурматли Собир Аброрович,— деб ўрнидан турди-да, телефон трубкасини стол устига қўйиб, қўлини раҳбарга узатади. Телефонда алло, алло, деган овоз жаранглаганича қолаверди.

Собир Аброрович — Сиз ўртоқ Тошматов беандиша ва қўпол одам экансиз, телефондаги ҳамма гапингизни эшитдим, телефон сими бизни аппаратга уланиб қолган экан, менга ҳамма нарса равшан бўлди энди. Одамларга шу оҳангда муомала қилаверадиган бўлсангиз, сиз билан ишлай олмайдиганга ўхшаймиз.

Тошматов (икки букилиб)— Мени кечиринг, бугун ўзи сал бошқачароқман, иситмам бор. (Эшикдан бир аёл кириб келди, унга Собир Аброрович савол назари билан қарайди).

Аминова — Кечирасиз, мухбир Аминова бўламан, анави трубкада чала қолган гап, менга машина ажратиш ҳақида бораётган эди,

ўртоқ Тошматов бу ишни икки ойдан бери чўзиб келяптилар, анави трубкада кутаётган марказий газеталар Тошкент бўлини маси мудирини Эшмухамедов бўладилар.

Собир Абровович — (телефон трубкасини олади-да, саломлашиб) — Хафа бўлманг, ўртоқ Эшмухамедов, менга ҳамма нарса энди аён бўлди. Эчки ҳам ўз оёғидан илинади. Тошматов оғзидан илинди. Бу унинг биринчи қўполлиги эмас, ўртоқ Аминованинг ишларини ҳозироқ ҳал этамиз, редакцияга машинада кетадилар, хўп хайр, ишларингизга муваффақият тилайман.

Тошматов — «Собир Абровович, менинг ишим нима бўлди», дея савол беради. Саволига мухбир киноя билан дейди, «Сиз, энди мен икки ойдан бери юрган маршрут автобусида уйингизга кетасиз» (Собир Абровович гапни маъқуллагандек бошини қимирлатиб қўяди, гап тамом дегандек эшикка қараб Аминовани бошлайди. Тошматов ҳайкалдек қотиб туриб қолади. Бошини чангаллаб креслода узоқ ўтиради).

Секретарь қиз — (кабинетга кириб келади) — Мана бу буйруқни Собир Абрововичнинг қабулхонасидан келтиришди, танишганингиз ҳақида имзо чекар экансиз.

Тошматов (қизга тикилиб) — Сизда ақл борми? Менинг шу аҳволда ҳеч нарса ўқий олмаслигимни тушунмайсизми? Сизда этика борми, ога-онангиз одобга ўргатмабди-да. Қанақаси бу ўзи, ёшларда катталарга нисбатан зиғирча ҳурмат қолмабди-е!!

Секретарь қиз (жилмайиб бўялган бармоқларини шақиллатиб) — бу буйруқда худди шу ҳақда ёзилган, лекин бу дакки 'ва киноялар менинг шаънимга эмас, сизга айтилган, кечирасиз, бошингиз оғриётган бўлса, мен айбдор эмасман, отдан тушсангиз ҳам эгардан тушишни хоҳламайсиз, лекин минг афсуски, буйруққа Собир Абровович имзо чекканлар, ҳамма гапингизни ўзларига айтишни маслаҳат кўрардим, (чиқиб кетади).

Тошматов (елкасини қисиб) — Қизиқ, каттаси ишдан олганда, кичиги таъна қилади. Одамлар хўп қизиқ-да, бир паст тилини тийса нима қиларкин, мен бари бир шикоят қиламан, чунки раҳбарликдан бошқа ҳунарим йўқ, агарда бирорта яхши вазифа беришмаса, ҳаммасининг устидан ёзаман!! (папкасини кўтариб кабинетдан чиқа бошлайди, нимадир эсига тушиб яна ўтиради.) — Йўқ, бу идорани осонликча топширмайман. Битта мухбир икки ой пиёда юрган бўлса, осмон узилиб ерга тушибди-ми?

Секретарь қиз (ҳайрон бўлиб ўзига-ўзи гапиради) — Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама деганларидек, тавба, ҳамма айб ўзларида-ю, яна бировларнинг устиларидан ёзар эмишлар. Башараси қийшиқлар ойнага тош отади, деб шуни айтишса керак-да!

ОНАСИНИНГ БОЛАСИ

Сатанг келин тош ойна олдида пардозу андоз билан банд. Эри эса, ёзаётган ишидан бош кўтариб, хотинининг ўзига ҳаддан ташқари оро бераётганидан мийиғида кулиб қўяди. Жаҳли чиққанини сездирмаслик учун ишга берилади. Куёвининг ҳолатини пайқаман қайнона ғурур билан гапира бошлайди.

Қайнона (куёвга)— Сойибжон, хўп омадли йигитсиз-да... Қаранг, не-не йигитлар совчи қўйиб ололмаган қизимни тақдири сизда экан. Ёмон кўздан асрасин. Кўчага чиқса юрагим зириллайди. Ҳамманинг нигоҳи шунда. Қизим қурмагур кундан-кунга гулдек очилиб, ойдек тўлишиб боряпти. Кўхликка турмуш ярашар деганларидек, бунга нима кийса худди ўзига қуйиб қўйгандек ярашиб кетади, тўғрими гапим?

Куёв — Ярашади, ярашади (четга қараб) ярашмай қолсин. Тунов куни уйдаги эски шолчадан юбка тикиб кийиб юрибди. Бу нимаси десам, мен одамлар киймаганини кияман дейди, мода ўзгарган эмиш, ҳа модангдан ўргилдим.

Қайнона — Ишқилиб, қизимнинг қадрига етинг. Бу сизга «проста» хотингина эмас, катта бахт, оймўма, ҳурилиқо! Ҳа, ўйнаб турган кўзларингдан тасаддуқ бўлайин!

Куёв — Ҳа, ҳа, ҳурилиқо, оймўма, ойижон! (четга қараб), оймўма ойига бир ўзгарса, бу тантиқ ҳар минутига ўзгаради.

Қайнона — (қизига) Онагинанг айлансин пардозларингдан, ўргилай ўзингни безашга бирам устасан, қотирасан қизим, қотириб юборасанда, бу ҳам яхши тарбия кўрганлик аломатида, ўргилай!

Куёв — (четга қараб) Пардозни қурсин, пардозни, аччиқ қатикдан тортиб, то керосиннинг қуйқасигача афтига суртади. Бу нима қилганинг десам, одамнинг юзи оловдай кўринармиш. Э, ёниб кет-е!

Қайнона — (қизига) Анзират холанинг айтганича борсан қизим, чинакамига чиройлисан, бирортаси зўр қиз экан,— деб совчи қўйиши ҳам ҳеч гап эмас (хандон отиб кулади). Лекин, она қизим, ёмон кўздан эҳтиёт бўлиш учун кўзмунчоқ тақиб олгин, яшириб таққин!

- Куёв** — (четга қараб) Тақмагани энди кўзмунчоқ қолувди!
- Қайнона** — (қизининг елкасига қоқиб) Айланай, ишқилиб бахтимга омон бўлгин, битта бўлса ҳам хўп гўзал қилиб тарбияладим-да. Парваришда ҳам гап кўп эканда, туф-туф тагин кўзим тегиб қолмасин.
- Қизи** — Ойижон, ҳадеб мени мақтайверманг, куёвингизнинг рашқлари келади, қаранг икки юзлари ловиллаб ёняпти, иситмалари йўқмикин, ўлчаб кўрсакмикан?
- Қайнона** — Камтарлигинг ҳам бор, жон болам. Куёв тўра, эшитяп-сизми, ақли бор-да, ҳушёрлигидан-да, ойнада сизни қизарганингизни ҳам кўрибди. Бошқа қиз шуни фарқига борармиди, худое ҳушёргинамдан ўргилай, ақллисан, ҳушёрсан, тўғрими, куёв тўрам?
- Куёв** — (заҳарханда билан) О, нимасини айтасиз, ойижон! Турган битгани ғиж-ғиж ақл! Тиришқоқлигини айтмайсизми! Билимдонлигидан институтда 8 йилдан буён ўқияпти-да!!! Лекин иродаси ҳам зўр, тан бераман. Бир хил фандан беш марталаб йиқилса ҳам, олтинчи марта кириш учун тайёрланаберади!
- Қайнона** — (куёвнинг киноясини тушунмай) Буни чеварлигини, пазандалигини айтмайсизми? Бирор ошпазу, пазанда бунга тенг кела олмайди, нозик қўлларингдан ўргилай, беқиёс дидли болагинам, буларнинг ҳаммасини онангинангдан ўрганганингни унутмагин, хўпми, шириним!
- Куёв** — (четга қараб) Ҳм... чевармиш... тугмачаси узилса ателье-модага бориб қадатиб келади. Шўрва қилса тагига олдиради, палов билан бўтқанинг фарқига бормайди-ю, яна пазандамиш. Хом хатала овқат келтиравериб ошқозонимни ишдан чиқарди, бу «пазанда».
- Келин** — (эрига кўйлагини кўрсатиб) Сойибжон ака, ярашибдими? Сизга ёқмасе бугун бошқасини буюртираман, пулини ҳозироқ тайёрлаб кўйинг, ательеда материал тугаб қолмасин тагин.
- Куёв** — О, жуда ярашибди, жонгинам (четга қараб) ярашибди демайчи худди уйни бошига кўтаради, тантиқ! Муборак бўлсин, гўзалим.
- Қайнона** — Кетдикми энди қизим. (Куёвга), уйдан қимирламанг, меҳмонлар келиб қолишади, уларга дарров дастурхон ёзиб, овқатга уннанг! Сабзи арчиганингизда пўстини қалин олманг, хўпми? Дастурхонга шоколад қўйманг, попукли қандлар бор, ўшандан кўйинг. Чойни унча аччиқ дамламанг... Кейин у ёқ-бу ёққа алахсимасдан шу зорманда диссертациянгизни тезроқ тугатиб кўяқолинг! Камроқ ўйлаб, кўпроқ ёзинг. Ёзганда ўчирмасдан ёзинг. Ҳа деб ўчираверсангиз ишнинг унуми бўлмайди.

Кув — (жаҳл билан) Хўп ойижон, ҳаммаси сиз айтганингиздек бўлади. Фақат мени соғинтириб қўймасдан тезроқ қайтинглар!

Қайнона — Соғинсангиз девордаги гулдек очилиб турган рангли суратларимизни томоша қилаверасиз, (Кулади, қизини етаклаб чиқиб келади).

Кув — (баланд овоз билан) Соғинармишман! Буларнинг бемаъни келди-кетдиси, соатлаб телефонда гап сотиши, она-боланинг тугамайдиган эски дийдиёсидан роса чарчадим, э худо! Ич-кув бўлмай ўлай! Бор-е, деб этагимни қоқиб чиқиб кетай десам, қайнотамнинг қўлида ишлайман, уям бор-е, деб қўлини силтаб қўйиши мумкин. Қизини-ку бир амаллаб яхши йўлга бошласам бўларди-я, лекин онаси! Қизини бузаётган ҳам шу онаси, на чора, иложим қанча қайнотамнинг қўлида ишлайман, квартирасиз аспирантман. Қантак ўрик донаси, қизни бузар онаси...

ЮВСА КЕТАРМИКАН

(Ресторан залига бир хўранда келиб, ўтиради. Унинг ҳузурига официантка келади).

Шоҳида — Ассалому алайкум, хизматингизга ҳозирман, буюрсинлар.

Биринчи хўранда — Менга бир шиша «Тошкент суви», бир коса мастава келтиринг.

Шоҳида — Ичкиликдан-чи?

Биринчи хўранда — Сувнинг ўзи етади.

Шоҳида — (тумтайиб)— Ҳм-м шунақами? Мана сув. (шишанинг оғзини очади). Ичиб ўтиринг (қўшни столга ўтиб, заказ ола бошлайди). Қани йигитлар эшитаман, хизматингларга ҳозирман.

Иккинчи хўранда — Бизга аввало яримта арақ, газаги — закускаси билан, биринчига шўрва, иккинчига табаки...

Учинчи хўранда — Ҳозирча шуларни келтиринг, кейин заказни яна давом эттираверамиз.

Шоҳида — Ҳўп бўлади, Жоним билан. Ҳозир муҳайё қиламан. (ошхона томонга ўтиб кетади. Дам ўтмай қўшни столга заказ бўйича ичкилик ва таомлар келтиради).

Учинчи хўранда — Эй, яшаворинг, Шоҳида опа. Шу сизнинг дарров «есть» қилишингизга бормиз-да.

Шоҳида — Заказ зўр бўлса, бир зумда бажарамиз-да, опўси, иккинчи таомни ҳам олиб келайми ёки кейинроқми?

Биринчи хўранда — Синглим, менинг буюртмамни қачон келтирасиз?

Шоҳида — Олдин бу столда ўтирганларни таъминлаб олай, ахир булар ичкилик заказ қилишган. Сиз билмайсиз, киши ичгандан кейин иштаҳаси тез очилиб, ичи таталаб кетади.

Иккинчи хўранда — Жуда тўғри гап. Биласиз-а, опажон, биласиз.

Шоҳида — Билмай ўлибманми, биринчи хўрандага жилмайиб, сиз ҳозирча сувни эрмак қилиб тура туринг, ичингиз куяётгани йўқ-ку.

Учинчи хўранда — Сиз ҳам юзтагина отганингизда ҳозир овқат келган бўларди.

- Биринчи хўранда** — Мен ичсам, ўзим ҳам буюра оламан. Ичмайманда.
- Иккинчи хўранда** — Ҳа, энди буни ҳам ҳамма ичолмайди. Йигитнинг нори ичади.
- Учинчи Хўранда** — Сувнигина ҳамма ича олади.
- Биринчи хўранда** — Менинг ичиш ичмаслигимнинг сизларга нима даҳли бор.
- Шоҳида** — Бўлди, бўпти. Даҳли йўқ. Гапни чўзиб, буларнинг иштаҳасини бўғманг. Ҳозир битта маставани олиб келавераман.
- Иккинчи хўранда** — (шеригига) Мен ичмайман, деб фалсафа сўққан одамни жинимдан ҳам ёмон кўраман.
- Учинчи хўранда** — Сенми, менми?
- Шоҳида** — (жеркиб) Мана мастава, олинг.
- Биринчи хўранда** — Нега оринасиз, нега бураласиз?
- Шоҳида** — Вой, сизни қаранг. Бу хизматга тухмат-ку ахир. Ҳай, йигитлар сизлар гувоҳсизлар, мана бу киши менга тухмат қиляпти.
- Иккинчи хўранда** — Ҳўв, сиз нега бу опамни хафа қиласиз? Нима ичишга кармонингиз кўтармаса у гуноҳкор эмас-ку?
- Учинчи хўранда** — Сал ўзингизни босиб ўтиринг, ҳўв, бизнинг опага ўшқирманг.
- Биринчи хўранда** — Мен официантка билан гаплашяпман.
- Иккинчи хўранда** — Опани ранжитсангиз, бизни ҳам ранжитган бўласиз. Биз ҳамкасбмиз. Қўшни ресторанда ишлаймиз.
- Учинчи хўранда** — Бугун дам олиш кунимиз. Бу ерга кўнгил очиб учун келганмиз. Ёнинг десангиз... Ҳў, Шоҳидахон опа кўйингиз хафа бўлманг, бу киши билан ўзим гаплашиб қўяман.
- Иккинчи хўранда** — Заказингиз бир сўмлик-у, ғалвангиз юз сўмликка татирлиг-а? (кулади).
- Шоҳида** — Ҳа, шуни айтинг-а, Жўравой.
- Биринчи хўранда** — Ахир бу келтирган маставангиз совиб қолибди-ку?
- Шоҳида** — Ўзингизнинг совуқ муомалангизга яраша-да.
- Биринчи хўранда** — Мен сизга қачон совуқ муомала қилдим?
- Шоҳида** — Кела солиб сув сўрадингизми? Сўрадингиз. Арзимаган заказ билан мени овора қилдингизми, қилдингиз. Мен ҳар бир хўранда ҳисобига ўн сўмликдан кам заказ олган аёл эмасман. Сиз бўлсангиз, менинг обрўйимни ерга урдингиз. Шу совиган маставани ҳам келтирганимга шукур қилинг.
- Биринчи хўранда** — (тутақиб) Шикоят дафтарингизни келтиринг.
- Шоҳида** — Мендан нима хато ўтди-ки, сиз шикоят ёзаркансиз. Ҳўш? Соҳибжон ака, манави ғалати одамни қаранг, закази бир

сўмлигу, юз сўмлик ғалва кўтариб, шикоят ёзмоқчи. Бунинг пасткашлигини анави ҳамкасб йигитлар ҳам кўриб-билиб ўтиришибди. Ана сиз билан ҳозир зал мудиримиз гаплашиб қўядилар. Ҳа.

Иккинчи хўранда — Ассалому алайкум, Соҳибжон ака.

Учинчи хўранда — Ассалому алайкум, Соҳибжон Солиевич.

Соҳибжон — Ие, ие, ваалайкум ассалом. Хўш келибсизлар кадрдонлар. Яхши ўтирибсизларми?

Иккинчи хўранда — Бугун бизда дам оладиган кун эди. Сизларнинг ресторанингизни бир гуллатайлик деб.

Соҳибжон — Жуда яхшида, жуда яхши. Қалай бизнинг ошналар соғ-омон юришибдимиз?

Иккинчи хўранда — Раҳмат, ҳаммаси отдек юришибди. Қани, биз билан юз граммгина отинг.

Соҳибжон — Раҳмат, кейин. Шу ерда бир хўранда шикоят ёзмоқчи экан.

Учинчи хўранда — Ҳа, ана ўтирибди султон совуқ. Жуда пасткаш экан. Келгандан бери совуқ сувдан бошқа нарса ичмайди. Мияни ҳам ғовлатиб юборди.

Соҳибжон — (ўша ёққа бурилиб қараб) Ие, ие, ассалому алайкум, Собит Зарбиевич. Кечирасиз, кўрмай қолибмиз. Ҳай Шоҳидахон, буёққа қаранг. Собит акамлар-ку буёқ. Трестимиз халқ контролига яқинда раис бўлганлар.

Шоҳида — А? (ўзгаради) Вой ўлмасам. Танимай қолибман, энди сувни муздагидан, маставанинг иссиғидан келтирай-а?

Биринчи хўранда — Йўқ, раҳмат. Тўйдим. Шикоят дафтари билан трестга боринглар, ўша ерда гаплашамиз.

Иккинчи хўранда — (паст овозда) Жўравой ўзингни панага ур, таниб қолмасин.

Учинчи хўранда — Тесқари қараб ўтир Шоқосим. Шоҳида опа, пулини олинг.

Соҳибжон — Собит Зарбиевич, ахир ўз оёғингиз билан келиб қолибсиз. Янги лавозимларни ювайлик, мана биз тайёр, буюринг.

Биринчи хўранда — Аввал ишингиздаги мана бунақа доғларни ювиб олайлик.

Шоҳида — Вой, энди, ие, ҳай йигитлар сизлар қаёққа?

Иккинчи хўранда — (писиб, паст овозда) Ана, таом ҳақи олинг.

Сизга қўшилиб, биз ҳам тағин ювилиб кетмайлик.

Учинчи хўранда — Ҳа, шундай.

Шоҳида — А?

Август ойларининг бошларида область ижроия комитетининг раиси Усмон Муҳамедович бошчилигидаги бир группа мутахассислар бир колхознинг пахта далаларида бўлиб, ҳосилга салбий таъсир кўрсатадиган бирмунча камчилик ва нуқсонларни аниқлайдилар. Бу камчиликлар сабабини билиш учун колхоз раиси Мамадали акани излашганда топа олмайдилар.

Орадан бир кун ўтгач, область ижроия комитетининг раиси, колхоз раиси Мамадали Аҳмадалиевни телефонга чақиради. Ораларида тахминан мана бундай суҳбат бўлиб ўтади:

Усмон Муҳамедович:— Алло... алло, бу ким?

Мамадали ака:— Алло, эмас, мен колхоз раиси Мамадали Аҳмадалиев бўламан. Ука, кимсан ўзинг? Овозинг мунча хириллаб чиқаяпти, ичганмисан дейман?

Усмон Муҳамедович — Мен облизроком раиси Муҳамедовман, ассалому алайкум! Мамадали ака, қаерларда юрибсиз? Колхозга борган эдик, сизни тополмадик.

Мамадали ака — (Бир оз дудуқланиб) э... э... кечирасиз, Усмон Муҳамедович, мен кеча қорамоллардан хабар олай деб фермага кетган эдим, эҳ, аттанг, учраша олмабмиз. Учрашганимизда кўп улуг иш бўларди-да. Аммо, лекин фермани боплаб қўйганмизда. Ғалчаки сигирларни йўқотиб, ўрнига ўттиз литрдан сут берадиган зотдор молларни боқаямиз. Сигир эмас, сут ташийдиган бочка дейсиз... Сутларни ёғлиликни айтмайсизми, турган-битгани қаймоқ. Пландан ортганини болалар боғчаларига, колхозчиларга тарқатаямиз. Қарангга учрашганимизни. Ферма хўжалигимизни бир кўрсатган бўларканман. Усмон Муҳамедович, бошқа бир келасиз. Албатта, келасиз, хўп денг, келаман денг... бўрдоқчилик базаларимиз, алоҳида боқилаётган бузоқларимиз... Йўқ, келасиз.

Усмон Муҳамедович — Биз фермада бўлдик, лекин...

Мамадали ака — А?! Яхши эшитилмаяпти... бўлдик?! Фермада-я?! Тўғри анча-мунча камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Сигирларимиз ғалчаки, зотдорига алмаштиришни мўлжаллаб турибмиз. Бўрдоқчилик базасини ташкил қилгани қўл калталиқ қилиб турибди... Бино масаласини ҳал қилсак, у ёғи ўз-ўзидан юришиб кетади... Ўзим ҳам шу масалани ҳал қилгани сизнинг олдингизга бир бормоқчи эдим. Лекин ўша куни мен қўй фермасида бўлган бўлсам керак. Ҳа, ҳа, энди эсимга келди, қўй фермасида эдим. Лекин, Усмон Муҳамедович, қўй етти хазинанинг бири деганлари рост экан. Қўйчиликка эътибор бердигу, ғарчча мой ичида қолдик. Пландан ортганини сўйиб колхозчиларга улашяймиз. Бизнинг бу ташаббусимизни район газетаси

ҳам ёзиб чиқди... Ҳар қўйларки, устига етти пуд юк ортиб бозорга бориб келсанг бўлади. Ўзингиз айтгандек, алмашлаб экиш — чорванинг жони экан... Э, аттанг, келганингиздан беҳабар қолибман... бўлмаса сизни албатта қўйхоналаримизга олиб борган бўлардим... Лекин, бошқа бир келинг, хўп денг, келаман денг...

Усмон Муҳамедович — Мамадали ака, гапни жуда олиб қочдингиз-ку!

Мамадали ака:— Йўқ-а! Пуф-пуф! Яхши эшитилмаяпти, алло алло!

Усмон Муҳамедович:— Уша куни биз қўйчилик фермасида ҳам бўлдик. Ферма эмиш. Нимаси ферма уни! Олтита қўю, ўн саккизта эчкидан бошқа ҳеч нарса йўқ-ку, қўйчивонлар далага узум узгани кетишибди...

Мамадали ака:— Алло, алло! Яхши эшитилмаяпти... Фермада бўлдим, денг! Хуллас, шунақанги гаплар. Камчиликларимиз кўп ҳали! Аммо, тузатамиз, эшитяпсизми, ҳаммаси жойида бўлади. Ишни қўйларимизнинг зотини яхшилашдан бошламоқчимиз...

Усмон Муҳамедович:— Гапни қисқа қилинг, учинчи август куни қаерда эдингиз деяпман?

Мамадали ака:— Алло, яхши эшитилмаяпти! Учинчи августда эдингизми? Учинчида... ҳалиги ўзларингнинг қарорларингни бажариш билан банд эдим. Қанақанги қарор дейсизми? Хўжаликларда паррандачиликни ривожлантириш ҳақида область ижроия комитетининг қарори чиққан эди-ку. Шунини бажариш учун ҳалиги... хўш, жуда катта товуқчилик базаси ташкил қилиб, шунини фермага айлантириш билан бандман. Туну-кун овораман. Жуда майда иш экан. Дон топсанг оҳак керак дейишди, оҳак топсанг майда тош керак дейди, эшитяпсизми, алло!

Усмон Муҳамедович:— Гапни қисқа қилинг, бўлмаса трубкани босиб қўяман. Айтинг, учинчи август куни қаерда эдингиз?

Мамадали ака:— Усмон Муҳамедович, кўп ҳушёр йигитсиз-да! Бекорга улуғ раҳбар бўлмагансиз.

Усмон Муҳамедович:— Қаерда эдингиз?

Мамадали ака:— Очиқ айтаверайми?

Усмон Муҳамедович:— Тез бўлинг, вақт тугади.

Мамадали ака:— Касал эдим.

Усмон Муҳамедович:— Ёлғон! Уша куни бедана овига кетган эдингиз! Кун бўйи бедазорда маишат қилгансиз. Йигирма еттинчи куни колхоз чорвасининг аҳволи ҳақидаги ҳисоботингизни тингламоқчимиз.

Мамадали ака:— Алло! Алло! Яхши эшитилмаяпти! Алло!.. Ана сенга бедана шўрва! Бориб-бориб ўша куни чиқаманми!.. Э, хом сут эмган банд!..

«ОШИҚЛАР»

Хиёбон. Ёши қирқларга борган олифта, башанг кийинган киши билан бетига упа-элик чапилган, бармоқлари-ю, кўкси тўла тақинчоқ ўттиз ёшлардаги аёл суҳбатлашиб ўтирибди.

Адолатхон. (Ўпкалаб). Каримжон ака, нега менга хотин қўйганингизни айтмадингиз.

Каримжон. Жонгинам, бу ҳақда гап бўлмагандан кейин нима ҳам дейман?

Адолатхон. (Аччиқланиб). Вой-вой нега гап бўлмас экан?! Ахир учрашдик дегунча хотин қўйганларни сўкишга тушардингиз-ку?

Каримжон. Тўғри, уларни жуда ёмон кўраман, жонгинам!

Адолатхон. (Аразлаганнамо). Яна уялмай жонгинам дейдилар-а!

Каримжон. (Бағрига босмоқчи бўлиб). Нима дей бўлмаса, оппоғим?

Адолатхон. (Нозланиб). Қўлингизни олинг! Жонгинам эркалайдиган жононларингиз нечта ўзи?

Каримжон. (Ўнғайсизланиб). Овозингиз бирам ёқимлики!..

Адолатхон. Уч марта хотин алмаштириб қўйиб яна суйкалиб, жонгинам, жонгинам, деганингизга ўлайми? Нарин туринг!

Каримжон (Тўмтайиб). Вой-бўй, эркалатиб балого қолдикми? Мана сурилдик.

Адолатхон (Йигит томон сурилиб). Гапни чалғитишга уста экансиз. Мен Холисон, Ҳалимаҳон ва Ўқтамхонлар билан бир-икки йил турмуш қилиб, қўйиб юборганингизни сўраяпман.

Каримжон (Аёл томон сурилиб). Қўйган эмасман кўзидан, ажрашганман.

Адолатхон. Ия, ажрашган нима-ю, қўйган нима, бари бир эмасми?

Каримжон Йўқ, бўйдан, бари бир эмас, фарқи катта! Бунинг нималигини бир оз бўлса ҳам ўзлари тушуниб тургандирлар?!

Адолатхон. Бу кинояли жилмайиш билан нима демоқчилар?

Каримжон. Жонгинам, кўп тилимдан тортаверманг, мен ҳам ўзларининг номаи амолларидан жиндек хабардорман.

Адолатхон. Номаи амол деганингиз нимаси?

Каримжон. Собиқ ёрлари бўлмиш Фанихўжа, Аҳмадхўжа, Сотимхўжаларни айтаяпман. У номардлар сизни ташлаб кетганларидан оз-моз хабарим бор.



Адолатхон (Жаҳли чиқиб). Ташлаб кетишгани йўқ, ўзим ажрашганман.

Каримжон. Жонгинам, мен сиздан, у азизлар билан нега ажрашдингиз ёки номардлар нега қадрингизга етишмади, деб сўраётганим йўқ-ку? Уч марта уйланган бўлсак ҳам, худога шукур, алимент машмашасидан тинчмиз!

Адолатхон (Қувончдан ирғиб туради). Вой алимент тўламайсизми?

Каримжон. Тўламайман, жонгинам, тўламайман! Ўзлари-чи!

Адолатхон (Ғурур билан). Мен учовидан ҳам алимент оламан.

Каримжон (Ишшайиб). Ўлманг, қаймоғим! Қани, ўша уч номарддан жарақ-жарақ алимент санаб оладиган қўлчаларингизни беринг, мен кўзимга тўтиё айлай!..

БЕБАҶО ҚЎҒИРЧОҚ

Совғалар ишлаб чиқарадиган фабрика. Унинг каталак ҳовлисида ширакайф Аҳмад дўсти Ражаббой билан гаплашиб ўтирибди.

Аҳмад. Ражаббой фабрикангизда қандай маҳсулотлар тайёрланади?

Ражаббой. (Оғзини таноби қочиб). Э, ҳалиям билмайсизми, Аҳмадбой биз шундай чиройли қўғирчоқлар ясаймизки, уни республика, Иттифоқдагина эмас, балки чет элларда ҳам валюталарга сотиб оладилар. Бизнинг қўғирчоқларга тенг келадигани йўқ.

Аҳмад. Бу қимматбаҳо қўғирчоқларни қанақа материалдан тайёрлайсизлар?

Ражаббой. Антиқа қўғирчоқларни фил суягидан ясаймиз.

Аҳмад (Ҳайрон бўлиб). Кечирасиз, шунча фил суягини қаердан оласизлар?

Ражаббой. Енгинамизда промкомбинат бор, ўшалардан оламиз.

Аҳмад. Улар қаердан олишади?

Ражаббой. Қўшни комбинатдаги «устаси фаранглар» пашшадан фил ясайдилар. Уларни сўйиб, тўштани ҳайвонот боғига, суягини эса бизга пуллашади.

Аҳмад. (Киноя билан). Демак, сизлар бўлмаган ва ўлмаган филнинг суягидан бебаҳо «қўғирчоқлар» ясайсизлар, шундайми? Яшаворинглар-э!

Ражаббой. (Тиржайиб). Техника-да, дўстим, техника. Қойилмисан, дўстим!

Аҳмад. Бу техника эмас, Ражаббой, бу кўзбўямачилик, шариллатонлик. Одамларни лақиллатиб пулини ўмариш деса тўғри бўлади.

Ражаббой. (Бўзрайиб, дами ичига тушиб). А, а! Оғзингга қараб гапир, мен эмас, директоримиз Фарангбоев шундай дейдилар, ишонмасанг ўзларидан сўра, мен, мен (деганича қолаверади)...

Аҳмад. Кечаси билан мол суягини куйдириб, қўшнилари қўнглини беҳузур қилгани камдек, қўғирчоқни фил суягидан ясаймиз, деб чиранишини қаранг-а, номард, тирриқ, хиёнаткорлар! (У қўлини силтаб, йўлига юриб кетади).

Ражаббой. (Директор Фарангбоевга қараб елка қисиб пичирлайди). Хўп одамлар борда, ҳамма нарсага хуноб бўлаверадилар...

Фарангбоев. Ражаббой сиз хуноб бўлманг, лўлини эшагини суғориб пулини олавер деб, бекорга айтмаганлар, оғайнингиз ҳеч нарсага тушунмас экан.

ҲАММАСИ ИЧИДА

Ресторан. Эрталаб маҳалласидаги тўйда ошни тўйиб еган бир машатпараст хўранда залнинг бошида турган столлардан бирига келиб ўтиради.

Официант хотин (мулойимлик билан) — Хизмат, кўнгиллари нима-ларни истайди (деб ўйноқилаб туради).

Столда ўтирган хўрандалардан бири (бошини ушлаб) — Хоним, иложи бўлса менга 200 грамм арақ билан бир стакан сув келтирсангиз. Бошим отилиб кетай деяпти, бир оз жойига тушириб оламан.

Официан хотин — Бажонидил ҳозир муҳайё қиламиз. (Чопқиллаб чиқиб кетади) ва орадан бир зум ўтмай, бир стакан арақни олиб келиб столга қўйиб кетади.

Хўранда — Сув қани? Сув деганича қолади. (Официант хотин яна чопқиллаб чиқиб кетади). Хўранда официант муздек сув қидириб кетди, деган хаёлда бир оз пойлайди, кейин тоқати тоқ бўлиб стаканни тақиллата бошлайди.

Официант хотин — Узоқдан «ҳозир» дегандек ишора қилиб яна ичкарига кириб кетади ва қайтиб келиб, сиздан 3 сўм 50 ти-йин дейди.

Хўранда — Қанақасига ҳали мен буюрганларимнинг ҳаммасини олиб келмадингиз-ку!

Официант хотин — Яна нима керак, сизга?

Хўранда — Сув, бир стакан сув.

Официант хотин — Сиз қизиқ одам экансиз-ку?! Ҳаммаси ичида, арағиям, сувиям. Шуниям билмайсизми? Шу ҳам шинаванда хўрандами?! Эркак деган зот сал сезгир бўлса-да, ўзигаям, ўзгага ҳам осон бўлади, деб (этагини елпиб, дикиллаб) юриб чиқиб кетади.

Хўранда (ёқасини ушлаб) — Астафирулло, ўн йилдан бери бу рес-торанга кириб тураман, лекин бунақа, «ўткирини» биринчи кў-ришим, деб столдаги бошқа хўрандаларга қараб шикоятнамо бир овозда ўзини камситилган қилиб гапиради.

Ўтирганлар (бараварига) — Тўғри-да, нима сизга официантка лўнда

қилиб, стакандагининг ярмиси сув, қолгани арақ деб очигини айтса тушунармидингиз, жуда зўр «отувчи» экансиз, деб баралла хаҳолаб кулишади.

Хўранда (хуноб бўлиб)— Биров куйса, биров кулади, шошмай турларинг, ҳозир сизларни ҳам чўмичда қоққандан кейин гаплашамиз, деб афтини буриштириб, стакандаги суюқликни бир симириб тамомлаб, ўрнидан туради.

Ўтирганлардан бири (стол тагидан оғзи очилмаган арақ бутилкасини кўрсатиб)— Биз сизга ўхшаган ғўр эмасмиз, бу ерга ғамимизни еб келамиз, ҳозир икки юз грамм буюрсамиз, бу билан киши бошига 200 граммдан тўғри келади, (қойилмасиз дегандек) кўзини қисиб, липиллаб келаётган официант хотинга қараб ишора қилиб кўзини қисиб қўяди.

Хўранда (боши қотган кишидек)— Ҳамма нарсанинг ўз устаси бор экан, деб секин ресторандан чиқиб кетади.

Официант хотин (учирма оҳангда)— Акажон, ичишни яхши кўрар экансиз-ку, пулини насия қиларкансиз, текинга кайф бўлмайди, деб учирма қилади.

Хўранда (бу киноядан боши қотиб)— Мана сизга (25 сўмни узатади), керагича олинг, бундан кейин бу ерга кириб; умуман арақ ичиш ўрнига, захар ичай деб кўлини силтаб, шахдам қадам ташлаб залдан чиқиб кетади.

Официант хотин ва ўтирганлар (бирдан)— Ия, ичкиликбознинг биридан айрилдик, шекиллик, деб хўрсиниб қўядилар-да, бутилкадаги арақни стаканларга қуя бошлайдилар. Бу воқеа ён атрофда ўтирганларда, жуда оғир ҳис уйғотиб, ҳаммани ўйлатиб қўяди.

Ресторан швейцари (воқеани кузатиб туриб)— Ичкилик шоҳни ҳам, олимни ҳам гадо қилиб, юзини қора қилади, хўрлик ва фожиага сабаб бўлади, деб бекорга айтилмаган, мана ичкилик оқибати деб, ўтирганларга эшиттириб қўяди, ҳамма сукунат тортиб жим қолади. Чунки чолнинг киноясига важ топиш қийин эди.

МУНДАРИЖА

Муаллиф ҳақида	2
--------------------------	---

Ҳикоя ва ҳажвиялар

Меҳмондорчиликда	3
Каттахўжаев айтдилар	7
Ҳадиквой	9
Чаққоннинг чанги	11
Эримнинг кими бўласиз?	13
«Махсус топшириқ»	16
Кайфият	19
Қоровулхонадаги лекция	21
Ғолибжон бўламан	25
«Яхши кайфият»	29

Интермедиялар

«Ойнадан ўпкалама»	31
Онасининг боласи	34
Ювса кетармикан?	37
Алло, эшитилмаяпти	40
Ошиқлар	42
Бебаҳо қўғирчоқ	45
Ҳаммаси ичида	46

БИЛИОТЕЧКА МУШТУМА № 3

на узбекском языке

ИСЛАМ ШАГУЛЯМОВ

«КАТТАҲОДЖАЕВ ВЕЛЕЛ»

(Юмористические рассказы и интермедии)

Издательство ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1981

Редактор Мурод Парпихўжаев.

Рассом Алижон Холиқов.

Техредактор Галина Ломиворотова.

Корректор М. Толипова.

Теришга берилди 18.05.81. Босишга рухсат этилди 6.07.81.
Р-03005. Формати 84×108^{1/32}. Қогоз № 2. Гарнитура «Журналь-
ная рубленая». Юқори босма. Шартли босма листи 2,52. Нашриёт
ҳисоб листи 2,49. Тиражи 33500. Заказ № 1065. Баҳоси 15 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ ордени босмахонаси,
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.